БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 103 (17.683). • 4 май 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

ЭНГ ОММАВИЙ, ЭНГ ХАЛҚЧИЛ

Эртага — Совет матбуоти куни. Совет кишилари, кўп сонли матбуот, нашриёт ва полиграфия саноати ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари бу кунни Совет матбуоти кучи ва таъсирчанлигининг кўриги сифатида байрам қиладилар.

Совет матбуотининг шаклланиш тонгидаёқ В. И. Ленин янги жамият учун курашда у большевиклар партияси қўлидаги қудратли қурол бўлмоғи лозимлигини таъкидлаган эди. Доҳий «Правда»да янги давр тонгининг қалдирғочини кўрган, бутун Россия ишчи газеталарига эга бўлган ишчи ташкилотлар тармоғи билан қопланадиган кунларни орзу қилган эди. Коммунистик партия улуғ Ленин башоратини рўёбга чиқариш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини бажарди. Шуни айтиш кифояки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 8 мингга яқин газета нашр этилмоқда. Уларнинг бир галги тиражи 170 миллион нусхадан ошиб кетди. Мамлакатимизда 4670 журнал ёхуд журнал типидаги нашрлар чоп этилмоқда.

Бутун шуни комил ишонч билан таъкидлаш мумкинки, совет халқи жаҳонда энг кўп ўқийдиган халқдир. Мамлакатимизда СССР халқларининг 57, жаҳон халқларининг 20 тилида газета ва журналлар нашр этилаётганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Китоб нашр этиш йил сайин кенгаймоқда. Матбуотнинг полиграфия базаси мустаҳкамланмоқда.

Ҳали яқингинада Советлар мамлакати, бутун прогрессив инсоният Коммунистик партиянинг доҳийси, жаҳонда биринчи социалистик давлат ва большевистик матбуотнинг асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини жуда катта умумхалқ байрами сифатида нишонлади. Юбилейга тайёргарлик жараёни Ленин темаси янги-янги бадиий асарлар ва матбуотимиз учун бош тема бўлиб қолганлигини яна бир бор ёрқин кўрсатди. Матбуотимиз улуғ Ленин даҳосини, Ленин ижодий лабораториясини, Ленин томонидан энг муҳим назарий ишларнинг яратилиш жараёнини, Ильичнинг чуқур тафаккур кучини тобора кенг очиб бермоқда.

Доҳиймиз В. И. Лениннинг дастлабки революцион қадамиёқ нолегал матбуот органини чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик билан боғланган. Ленин шундан бошлаб етакчи партия матбуот органларининг редактори ва ташкилотчиси бўлиб қолди. Мамлакатимизда ноширчилик ишини қайта ташкил этиш ҳам Ильич даҳоси билан боғлиқдир. В. И. Лениннинг ҳаётбахш анъаналарини бойитиб ва ривожлантира бориб, «Правда» ва кўп миллатли бутун Совет матбуоти Коммунистик партиянинг улуғ бунёдкорлик ғоялари билан суғорилган байроғини баланд кўтариб келмоқда. Коммунистик идеалларга садоқат, ҳаққўйлик, оммавийлик, меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва интилишлари билан узвий алоқа — мана шу ленинча принциплар Совет матбуоти тараққиёти учун асос бўлди, унинг оммавийлиги ва нуфузи беқиёс ошувини таъминлади. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, партия ғояларини пропаганда қилиш, кенг оммани жамиятни бошқариш ишига бевосита жалб этиш воситаси бўлган Совет матбуоти КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда партиянинг қудратли қуролига айланди.

Совет Ўзбекистонида ҳам матбуот ва ноширлик ишини ривожлантириш борасида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги кунда республикада 273 газета, 83 журнал ва журнал типидаги нашрлар чоп этилмоқда. Нашриётлар тармоғи йил сайин кенгаймоқда, матбуотнинг полиграфия базаси мустаҳкамланиб, ишлаб чиқариш жараёнларида фан-техника ютуқлари тобора кенг жорий этилмоқда. Полиграфия маҳсулотлари чиқариш жиҳатидан республикамиз мамлакатда учинчи ўринга чиқиб олди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори идеология фронти барча жангчиларини, жумладан, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларини фаолиятининг жанговар программаси билан қуроллантирди. Мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг ўтган давр мобайнида Ўзбекистон журналистлар ташкилотлари матбуот ходимларининг ғоявий етуклигини, профессионал маҳоратини ва ижодий активлигини ошириш учун бир қатор амалий тадбирларни кўрдилар. Натижада матбуот сўзининг таъсирчанлиги, унинг меҳнаткашларни ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашга сафарбар этувчи кучи беқиёс ўсди. Газета ва журналларнинг саҳифаларида принципиал, муҳим проблемалар кўтарилмоқда.

Матбуотни ривожлантириш, унинг ҳаёт билан, омманинг бунёдкорлик фаолияти билан алоқасини мустаҳкамлашда ишчи-қишлоқ мухбирлари ҳаракати алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳозир Ўзбекистон матбуот органлари 80 мингдан зиёд ана шундай бош мухбирга эгадирлар. Бугунги кунда улардан олинган ишлаб чиқариш ва маданий қурилишнинг актуал масалаларини оператив ёритишга бағишланган хабарларсиз биронта ҳам газетани тасаввур қилиб бўлмайди.

Партия Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида республика партия ташкилотлари пропаганда ва ахборот аппарати самарадорлиги ва иш сифатини янада яхшилашга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни кўрмоқлари лозим. Партия матбуот, радио ва телевидение пропагандаси умумий савиясини коммунистик қурилишнинг кенг кўламли ва мураккаб вазифалари, совет кишиларининг умумтаълим ва маданий савияси тобора ошаётганлиги, халқаро майдонда идеологик курашнинг кучаяётганлигини ҳисобга олган ҳолда бугунги кун талаблари даражасига кўтариш лозимлигини таъкидламоқда.

«Журналист кадрларни тайёрлаш, уларнинг ғоявий савияси ва профессионал маҳоратини ошириш борасидаги ишларни янада яхшилаш муҳим вазифадир, — дейилади республика идеология ходимлари партия активи йиғилишининг қарорида. — Журналистларнинг фаолияти, жўшқин сўзи кенг халқ оммасининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини муттасил оширишга ёрдам бериши керак». Матбуот ходимлари В. И. Ленин партия публицистикаси олдига қўйган вазифалар даражасида ижод қилишлари, ўз қаламларининг қудрати билан партия ва халқимизнинг коммунистик қурилишдан иборат улуғвор ишига амалий ёрдам кўрсатишлари лозим. Коммунизм бунёдкорларининг фидокорона меҳнатини публицистик жўшқинлик билан моҳирона мадҳ этиш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари тўғрисида ёрқин ҳикоя қилиб бериш, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини кенг ва маҳорат билан тушунтириш зарур. Бунинг учун профессионал маҳоратни тинмай ошириш, ҳамиша юксак талаблар даражасида бўлишга интилиш даркор.

Газета — коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, айни замонда коллектив ташкилотчи ҳамдир.

В. И. Ленин газета ишини ғоят севарди...

УРТАЧУЛГА СУВ КЕЛДИ

Бухоро областининг харитасида яна бир унумдорлик трассаси пайдо бўлди. 23 километр узунликдаги янги Уртачўл машина каналидан қўриқ ерларга сув кела бошлади. Дизел насослар ҳар секундда саккиз кубометр сувни 20 метр баландликка чиқармоқда.

Канал Қизилтепа, Бухоро, Вобкент районларидаги тўққиз минг гектардан кўпроқ ерни сув билан таъминлашни яхшилайди. Келгусида йигирма минг гектар бўш ётган ерларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу ерларда янги пахтазорлар, боғлар, токзорлар пайдо бўлади.

«Бухараирстрой» трестининг меҳнаткашлари канални лойиҳачилар кўзда тутган олти ой ўрнига бир ярим ой ичида қурдилар. Улар шу вақт ичида қарийб уч миллион кубометр тупроқ қазиш ишларини бажардилар. Қийин участкаларда портлатиш ишлари ўтказилди. Қурувчиларга колхозчилар катта ёрдам бердилар. (ЎзТАГ).

ҒАЙРАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

Совхозимиз Қарши даштида ташкил топган қўриқ хўжаликлардан бири.

Совхозда ҳар гектар ернинг самарадорлигини ошириш резервларидан яхши фойдаланган бригадалар ўтган йилги қийин шароитда ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Аммо айримларининг хирмони оз бўлди. Агарда мавжуд беш бўлим ва қирққа яқин бригада бир хилда ҳосил олганида эди, совхознинг хирмони янада юксалган бўлар эди.

Нега шундай? Кўпгина бригадалар ўғитдан, техникадан, сувдан самарали фойдаланиб, дала ишларини агротехника қоидалари асосида уюштиришди. Баъзи коллективларда бундай бўлмади. Шунинг учун ҳам биринчи бўлимдан Гадой Абдуғаниев, иккинчи бўлимдан Раҳмат Бойғозиев, учинчи бўлимдан Эгамберди Минглиев, тўртинчи бўлимдан Ҳошим Қаршиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 27—28 центнердан ҳосил олгани ҳолда, шулар билан бир хил шароитга эга бешинчи бўлимнинг Башир Қовчинов, Номоз Қаршиевлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 17—20 центнердан ҳосил етиштирдилар, холос. Бу йил совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти кадрлар масаласини қайта кўриб чиқди. Бригадирликка пахтачилик илмини яхши биладиган, бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этадиган коммунистлар тайинланди.

Хўжалигимиз чўлқуварлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 7000 тонна «оқ олтин», жумладан қарийб 1000 тонна ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олишди. Ундан зиёд бригадирларимиз ҳар гектар қўриқ ердан 35—40 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Бунинг учун аввало чигит экишга пухта тайёргарлик кўрдик. Мавжуд 2100 гектар ернинг шўри ювилди. Гектар бошига 20 тонна маҳаллий ўғит чиқарилиб, экин майдонларига солинди. Ерлар оби-тобида бороналанди.

Далаларимизда чигит экиш намунали олиб борилди. Қирқдан зиёд экиш агрегати юксак унум билан ишлатилиб, ҳар куни 250—300 гектар ерга барака уруғи қадалди. Машъал коллективларимиздан Эгамберди Минглиев, Раҳмат Бойғозиев, Ҳошим Қаршиев каби ўртоқлар бошлиқ бригадалар ниҳоллар парваришини бошлаб юбордилар.

Биз чигитни ёппасига ундириб олиб, тўла гектарлар ҳосил қилган ҳолда парваришни жадаллаштирамиз.

Ҳ. СОЛИЕВ,
Усмон Юсупов районидаги «Совет Россияси» совхози директори.

БИР ЕРДАН УЧ ҲОСИЛ

Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхози кўп тармоқли хўжалик. Бу ерда пахтачилик ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда, чорвачилик ҳам илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Хўжалик деҳқонлари пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштираётган бўлсалар, чорвадорлар гўшт ва сут етиштиришни йил сайин оширишга эришяптилар. Совхозда ўтган йили гектаридан 40,5 центнердан пахта, қарийб 100 центнердан маккажўхори дони олинган, бошқа экинлар ҳосили ҳам мўл бўлиши таъминланган эди. Чорвадорлар кўп миқдорда гўшт ва сут етиштириб, давлатга маҳсулот топширишни ўтган йилдагига нисбатан анча оширишга эришишганди. Совхоз коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида гектаридан 45 центнердан пахта, 100 центнердан маккажўхори дони олишни, бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини ҳам кескин оширишни мўлжаллаяпти.

Совхозда йирик чорвачилик комплекси мавжуд. Қорамолчилик фермасида қарийб 2700 бош қорамол, комплексда эса 880 бош сигир боқилмоқда. Хўжалик чорвадорлари бу йил маҳсулот етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 20—25 процент кўпайтириш, 355 тонна гўшт ва 4355 тонна сут етиштириш мажбуриятини олишган.

Хўжаликда чорвачиликни ривожлантириш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш озуқа базасини мустаҳкамлашга боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, беда ва бошқа озуқабоп экинлардан мўл-кўл ҳосил олиш, озуқа экинларини аралаштириб ва такрор экиш йўли билан суғориладиган ерлардан энг кўп самара кўрган ҳолда фойдаланишга катта эътибор берилаяпти. Мавжуд 650 гектар эски бедапояларни яхши парвариш қилиб, ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, бу йил баҳорда каттагина майдонга янги беда, 179 гектар ерга дон учун маккажўхорига аралаштириб лавлаги экилди. Беданинг гектаридан 200 центнердан пичан, дон учун экилган маккажўхорининг гектаридан 100 центнердан дон, 300 центнердан қуруқ поя, лавлагининг гектаридан 600 центнердан ҳосил олиш назарда тутиляпти.

Ўтган йилнинг кузида 150 гектар ерга рапс экилган эди. Ҳозир уни ўриб, чорва молларга едириляпти. Гектаридан ўрта ҳисобда 200 центнердан кўк озуқа олиняпти. Рапснинг ўрнига силос учун маккажўхори экилади. Маккажўхорининг бўйи ўсиб, бир метрдан ошгач, ичига судан ўти уруғи сепилади. Маккажўхорининг гектаридан 600 центнердан силосбоп кўкпоя, судан ўтининг гектаридан эса камида 200 центнердан ҳосил олинади.

Шундай қилиб, бир ердан уч марта ҳосил олинади. Бу чорва молларни озуқа билан мўл-кўл таъминлаб, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бинобарин гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 3 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—	100,6
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
Самарқанд	—	97,2
Сирдарё	—	95,0
Фарғона	1,3	90,3
Андижон	1,3	86,8
Жиззах	—	70,9
Хоразм	1,3	51,5
ҚҚАССР	3,0	45,5
Республика бўйича:	0,6	85,5

Республика областларида шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 3 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Сирдарё	1,1	87,0
Наманган	—	67,5
Тошкент	9,1	61,8
Сурхондарё	—	53,8
Андижон	—	22,1
Хоразм	2,7	11,2
ҚҚАССР	1,5	4,7
Республика бўйича:	2,2	19,4

БИРИНЧИ ЎРИМ ТУГАДИ

Сурхондарё областидаги хўжаликларнинг ем-хашак тайёрловчилари беданинг биринчи ўримини тамомладилар.

Бу ерда 25 минг гектардан кўпроқ майдонда беда етиштирилмоқда. Бу майдоннинг бешдан бир қисми кондицион уруғлик олиш учун ажратилган. Сурхондарёликлар қарийб ҳар гектар ердан 76 центнердан беда етиштириб, қарийб 152 минг тонна сифатли пичан тайёрладилар.

Ленин йўли, Қумқўрғон, Гагарин ва Шеробод районларидаги хўжаликлар биринчи ўримни, айниқса уюшқоқлик билан — 6—8 кунда ўтказдилар. Областдаги кўпгина колхоз ва совхозларда ҳар гектар ердан чорва учун саксон центнердан зиёд тўйимли озуқа йиғиштириб олинди.

Сурхондарё областининг хўжаликлари ёз мавсуми давомида беданн 6—7 марта ўриб, область бўйича ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 220 центнердан пичан йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Андижон областидаги «Ямбол» совхозининг Д. Камолиддинов бошлиқ бригадасига «Социалистик мусобақа ғолибига» деган сўзлар ёзилган қизил вимпел топширилди. Адирлардан ўзлаштирилган қўриқ ерда меҳнат қилаётган бригада аъзолари хўжаликда биринчи бўлиб экинларни культивация қилишни тамомлади.

Хўжаликда ғўзани культивация қилиш юксак суръатларда олиб борилмоқда. Механизаторлар бир ярим нормадан бажармоқдалар. Бу йил совхоз коллективи давлатга 11 минг тоннадан ошириб пахта топширишга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифи соҳасида кўп йил, самарали ишлаганлиги, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР маориф министри ўртоқ Жўлимбет **Сейтниёзов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ИҚБОЛ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Расул САИДОВ ҳақида ҳикоя қиламиз

Шундай инсонлар борки, камтарлиги, оддийлиги, меҳнатсеварлиги билан ажралиб туришади. Илк суҳбат чоғидаёқ уларга ҳавасингиз келади. Унинг ҳаёт йўли ўзгача жилваланади, шу топда умр дафтарини билишга ошиқасиз. Ҳаёт сўқмоқларидан камолотга қандай эришганлигини билиб олишга қизиқасиз.

Ҳаёт сўқмоқлари... Улар бир-бирига асло ўхшамайди. Улар турли-туман, бетакрор. Ҳамма гап ўз қобилиятингни, маҳоратингни намойиш этиш имконини берувчи тўғри йўлни танлаб олишда. Шундай сўқмоқлар борки, улардан шахдам қадам ташлаган ҳар бир киши эл оғзига тушади. Ҳалол меҳнат унга обрў, ҳурмат келтиради.

Расул Саидов ҳаёт сўқмоғини танлашда қалбига, виждон амрига қулоқ солди. Ўз ҳаётининг қонуни, она-Ватан олдидаги муқаддас бурчини ҳалол меҳнатда деб билди.

— Уйимиз корхона яқинида жойлашган эди, — деб хотирлайди Расул Саидов. — Отам севимли Ватанимизни душмандан халос этиш учун эл-юртнинг мард фарзандлари қатори курашга отланди. Лекин у билан дийдор кўришиш насиб бўлмади. Онам мени «Ҳужум» фабрикасига ишга жойлаштирди. Касбни эгаллаш ўнғай бўлмади, анча қийналдим. Узлуксиз изланишга тўғри келди. Ҳамкасбларимнинг тажрибасини эринмай ўргандим.

«Зар қадрини заргар билар» деганларидек Расул Саидов ҳам ўз касбини қадрлади. Эндиликда корхонада ким сифатли маҳсулот беради, десангиз ҳамма унинг номини тилга олади. Ким тежамкорликда машҳур десангиз, яна уни такрорлашади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Пилла ўровчи Расул Саидов ўзининг меҳнати билан касбдошларига чинакам ўрнак кўрсатмоқда.

Ўтган йили Енгил саноат ходимлари куни республикамизда ажойиб хушхабар тарални. Илғор ишчи ўз байрамини муносиб кутиб олди: юксак социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Шахсий икки беш йиллик топшириғи муддатидан илгари адо этилди. Ўша куни Р. Саидов 1976 йилдан то ғалаба рапортига имзо чеккунгача бўлган ойлар давомида 2334,4 килограмм пиллани қайта ишлашга эришганлиги маълум бўлди. Шу давр ичида 180 килограммдан ортиқ пиллани иқтисод қилишга муваффақ бўлди. Тежалган хом ашёдан 3700 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди.

Расул Саидовни улкан чинорга ўхшатгинг келади. Унинг оиласи ҳақиқий ишчилар сулоласи. Шу оиланинг аъзоси Л. Маърупова корхона юлдузи. Расул аканинг қизи Меҳри, ўғли Зоҳир ҳам шу ерда ишлашади. Улар оталари изидан бориб касбни ардоқламоқдалар.

Расул Саидов тажрибасини ўрганиш учун республикамиздан, мамлакатимиздан турдош корхоналарнинг вакиллари келишади.

Самарқанд пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлсангиз, «Расул Саидов усули», «Расул Саидов шогирдлари» деган гапларни кўп эшитасиз. Чиндан ҳам унинг мактабида таълим олганлар жуда кўп. Унинг илғор иш усулини қўллаганлар доим баракали ишлашади, маҳсулот сифатини яхшилашга эришишади.

Меҳнат зарбдорининг олдида икки станок, ҳарорати 40 даражадан зиёд бўлган икки идишда иссиқ сув туради. Жуда зудлик билан, ҳеч бир дақиқани йўқотмай, идишга пиллани тушириб унинг кумуш толасини ғалтакка ўраш керак. Ҳар бир станокда 10 тадан ғалтак бор. Ғалтакларга пилла толасини жойлаштириб, унинг узилиб қолмаслигига бутун диққатни қаратиш керак. Бунда моҳир қўллargина эмас, ўткир зеҳн, зийраклик ҳам керак. Мабодо, бирон бир эҳтиётсизлик қилинса, тола узилади ёки у сифатсиз чиқади.

Илғор ишчида ҳар бир дақиқа ҳисобда. Бирон ҳаракатни ортиқча бажармайди. Унинг бир иш кунидаги ҳаракатини ҳисобласангиз, 4 минг қадамга тенглиги маълум бўлади.

Расул Саидов ўз ишининг моҳир устаси сифатида эмас, ажойиб ишлаб чиқариш новатори ҳамдир. Мана йигирма йилдирки, у икки станокда ишлаб келмоқда. Икки станокчилик ҳаракати ташаббускори. Унинг даъватига корхонада кўплаб пилла ўровчилар қўшилишган. Бундайларнинг сафи ўсмоқда. Р. Саидов сменадан бўш пайтида ўз тажрибасини ҳамкасбларига намойиш қилади. Ишдан сўнг эса малакасини ёшларга қунт билан ўргатади.

Пилла ўровчининг меҳнати нақадар мураккаб, қийин айни пайтда шарафли эканлигини қуйидаги рақамда кўриш мумкин. Бир грамм ипак хом ашёсида 429 метр тола бор. Расул Саидов беш йилликда тайёрлаган тола билан ер шарини 36,5 марта ўраш мумкин.

Расул ака тонг ошиғи. Ҳамиша тонг билан уйғонади. Ҳар куни одатдагидек барвақт туради, нонуштадан сўнг қадрдон корхонасига отланади. Йўлда бугунги ишлар, ёшларга бериладиган маслаҳатлар ҳақида фикр юритади.

Чиндан ҳам тонг палласининг ажиб гашти бор. Офтоб ҳали ўз жамолини кўрсатмасдан тоғ ўркачлари оша қирмизи шафақ ёйилади. Ана шундай кезларда шабаданинг майин эсиши киши кўнглига ором бағишлайди. Уни янги зафарларга отлантиргандек бўлади. Р. Саидов ишга бора туриб, ҳаётидаги унутилмас воқеаларни ҳам тез-тез эсга олади. Унинг ҳаёт йўли ҳаммамизга ибратлидир.

Р. Саидов технология жараёнларини ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш асосида меҳнатда жуда катта зафарларга эришганлиги учун 1978 йили СССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақанинг ғолиби сифатида яна бир карра тилга олинди.

Тинчлик ва меҳнат, баҳор байрами — 1 Май нишонланаётган кезларда ажойиб хушхабар тарални. СССР Олий Совети Президиумининг Енгил саноат министрлиги корхоналарининг бир гуруҳ ишчиларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Юксак унвонга сазовор бўлганлар орасида Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши Расул Саидов ҳам бор. Эндиликда унинг кўксида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин Юлдузи, Ленин ордени порлайди.

Бугун Самарқанддаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг ишчи-хизматчилари учун чинакам тантанали кун. Уларнинг ҳамкасби Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди. Ҳамма ўз ҳамкасбини олқишлашга, қалб сўзини етказишга ошиқмоқда. Ҳалол меҳнат, ишга садоқат, лафзи ҳалоллик оддий ишчига катта бахт, иқбол келтирганлиги билан ҳақиқий суратда фахрланмоқдалар.

Э. ХЎЖАЕВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ.

Яшил конвейер ишга тушди

Фарғона районидаги Ленин номли совхоз механизаторлари Фарғона районида биринчи бўлиб баҳорги жавдари ўримига тушдилар.

Ҳамма жойда яхши ҳосил етиштирилди. Ўрилган жавдари шу жойнинг ўзида транспорт аравачаларга ортилиб, совхоз чорвачилик фермасига жўнатилмоқда. Чорва молларининг рациони сервитамин кўк масса билан бойитилганлиги сутни кўп соғиб олишга сезиларли таъсир қилди.

Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозининг ва Фарғона областидаги бошқа хўжаликларнинг механизаторлари ҳам чорва учун озуқабоп кўк жавдарини ўриб олишга киришдилар.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА—СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ, ЖАНГОВАР ҚУРОЛИ

Барча совет кишилари қатори Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари ҳам матбуот кунини коммунистик қурилишда янгидан янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар. Бу анъанавий байрам арафасида большевистик матбуотнинг асосчиси, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тантанали нишонланганлиги муносабати билан янада зўр кўтаринкилик касб этмоқда. Ленин янги тиндаги матбуотнинг кучи унинг омма билан, меҳнаткашлар кенг қатламлари билан узвий алоқада эканлигини кўрсатган, матбуотнинг ана шу ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун курашган эди. Қуйида худди шу ленинча анъана ҳозир қандай ривожлантирилаётганлиги ҳақидаги материалларни ўқийсиз.

МИЛЛИОНЛАР ОВОЗИ

БИЗНИНГ ГРАЖДАНЛИК ТУЙҒУМИЗ

Маҳмуджон МУЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводи пайвандчилар бригадасининг бошлиғи, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

— Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин бир пайтлар мамлакатга юз минг дона трактор бериш қудратига етишишни орзу қилган эди. Эндиликда шуни ифтихор билан айтишимиз мумкинки, фақат Тошкент трактор заводигина йилига деярли 24 минг дона трактор, бизнинг корхонамиз эса 10 мингга яқин юқори унумли пахта териш машиналари етказиб бермоқда.

Ана шу юксак довондан туриб, яқин ўтмишга назар ташласак, совет матбуоти республика экономикасининг фақат бир тармоғи — қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш проблемасини ёритишга ҳам алоҳида эътибор бераётганлигини кўрамиз. Ҳали яқиндагина «Известия» газетасида қолоқларсиз ишлаш ҳақидаги мақолам босилгани ёдимда. Ундан илгарироқ «Ташсельмашевец» кўп тиражли газетамизда бу масалада бир қатор чиқиш қилган эдим. Ўша материалларда ҳар бир меҳнат коллективида, ҳар бир иш жойида қолоқларсиз ишлаш, кам хом ашё сарфлаган ҳолда кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш, иш маромини бузмаслик масалалари илгари сурилган эди. «Известия»даги мақолада ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштириш, ишчилар ўртасида аралаш касбларни эгаллашни кенгайтириш, хом ашё таъминоти ва тежамкорлик хусусида ҳам гап борган эди. Бу материаллар, оддий ишчининг етилган масалаларни тилга олиб ёзган мақолалари партия, совет ва хўжалик органларида катта қизиқиш туғдирди. Мен мамлакатдаги турли шаҳарлардан хатлар ола бошладим. Орадан сал ўтмай, «Адо этилган бурч ҳисси» сарлавҳали мақоламда ана шу туйғуларни ифодалаган эдим.

«Правда Востока» газетаси саҳифасида «Мамлакат беш йиллиги— ҳар биримизнинг беш йиллигимиз» сарлавҳали мақола билан ҳам чиққан эдим. Ўшанда ҳар бир кадр ишчи икки-учтадан шогирд тайёрлаши лозимлиги, шундагина беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этишга ҳар биримиз қўшаётган ҳиссанинг салмоғи ҳадсиз ошиши ҳақида тўлқинланиб ёзгандим. «Совет Ўзбекистони», «Тошкент оқшоми», «Ёш ленинчи» газеталарида ҳам бир қатор материаллар билан чиққан эдим.

Мен шу ўринда оддий ишчининг мухбирлик малакасини ҳосил қилиш жараёни ҳақида, бу жараёнда унга холис ёрдам кўрсатган жонкуяр, талабчан матбуот ходимлари хусусида гапирмоқни истардим. Аввало, «Правда» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги мухбири Йўлдош Муқимов, «Социалистическая индустрия» газетасининг мухбири Юрий Ряженцевларнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга олмоқчиман. Ана шу талантли журналистлар оддий бир ишчини бутун мамлакатга танитишди. Ана шу газеталар туфайли заводимизнинг мамлакатдаги 250 дан ортиқ йирик корхона билан иқтисодий алоқалари мустаҳкамланди. Эндиликда биз кўпчилик заводлардан деталларни вақтида олиб турибмиз.

Шу қутлуғ айёмда барча матбуот ходимларини, журналистларни, ишчи ва қишлоқ мухбирларини муборакбод этишни истайман. Кўп сонли матбуотимиз, радио ва телевидениенинг жонкуяр ходимлари ишчи ва қишлоқ мухбирларини меҳр-муҳаббат билан вояга етказмоқдалар. Уларни ижодий ишнинг кенг ва порлоқ йўлига олиб чиқмоқдалар. Бугунги байрам арафасида ана шу устоз журналистларни қизғин қутлайман. Уларга ижодда катта-катта муваффақиятлар тилайман.

Ҳозирги пайтда кўп тиражли газетамиз редакцияси ишчи мухбирларнинг навқирон авлодини кекса мухбирларнинг тажрибаси асосида тарбияламоқда, уларда юксак гражданлик туйғусини шакллантирмоқда. Матбуот куни арафасида шуни эътироф этиш кераккки, бизнинг жамиятимизда мухбирлик — ижтимоий фаолиятдир. Ишчи ва қишлоқ мухбирлари ўз материаллари билан матбуот нашрлари ўқимишли, тўлақонли, оператив чиқишига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Партия бу ленинча анъаналарни тинмай ривожлантираётганлигининг боиси ана шунда. Буни биз яқин кунлардаги воқеалар асосида яна бир бор чуқур ҳис эттик. Гап шундаки, бирлашмамиз Маданият саройи қурилишини В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига битказишга аҳд қилган эдик. Ўшанда «Тошкент оқшоми» шаҳар газетаси қурилиш участкасида мухбирлар пости ташкил этди. Қурувчилар, монтажчилар билан биргаликда қурилиш маромини тезлаштириш чоралари кўрилди. Натижада самолётсозлар шаҳарчасидаги бу ноёб Маданият саройи ўз вақтида қурилиб битказилди. Юбилей кунлари бу ерда социалистик мусобақа илғорларининг слёти бўлиб ўтди.

Барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган Коммунистик партия ғояларини кенг меҳнаткашлар оммасига сингдиришда, уларни коммунистик қурилиш вазифаларига сафарбар этишда матбуот ишчи ва қишлоқ мухбирларининг бебаҳо чашмасидан муттасил куч олмоқда. Матбуот сўзининг таъсирчанлигини таъминлаётган нарса ҳам худди мана шу: Биз шу байрам айёмида кўпсонли матбуотчиларни қизғин қутлаймиз.

МУХБИРЛИК—ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТ

В. СИВЕЦ,
Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

—Корхонамиз ишчи ва хизматчилари Совет матбуоти куни арафасида газета ва журналларнинг ходимларини қизғин қутламоқдалар. Улар орасида кекса коммунист, мухбирлик ҳаракатининг ветеранларидан бири Султон Алиев ҳам бор. Партия ва совет ташкилотларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган коммунист «Ударник» кўп тиражли газетамиз саҳифаларида ўзининг актуал мавзулардаги материаллари билан фаол қатнашган. Редакция ветеранлари, кадр ишчилар Султон Алиевичнинг учиб-қўниб юриб ёзган ҳаяжонли мақолаларини ҳали-ҳали унутишгани йўқ. Бу материаллар ҳануз газетхонларнинг хотирасида.

Фаол ишчи мухбир корхонамизда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, янги ускуналар, агрегатларни ишга тушириш ва тўла қувват билан ўзлаштиришга катта ҳисса қўшди. Ишлаб чиқаришнинг олдинги марралари — бригадалардан, участкалардан корреспонденциялар, лавҳалар ва репортажлар ёзиб, уларда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашаётган ишчи синфи вакилларининг фидокорлигини тасвирлади. Айни пайтда ишчи мухбир одамларимизнинг маънавий камолоти, коллективимиз аъзоларида гражданлик туйғусини тарбиялашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ишчилар, мастерлар ҳақидаги тўлақонли материаллар бунинг далилидир.

ЯНГИЛИК ЖАРЧИСИ

Ойимхон КАМОЛОВА,
Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати

— Бугунги кунда шуни ифтихор билан таъкидлашимиз мумкинки, колхозимизда ҳар бир меҳнатчи, ўқувчи борки — газетхон. Эндиликда уч-тўрт номда газета ёки журнал олмайдиган, бўш вақтини бадиий асарлар мутолааси билан ўтказмайдиган киши йўқ. Матбуот халқимизнинг турмушига, ҳаётига ғоят сингиб кетди. Матбуот кунини бутун халқ байрами нишонлашининг боиси ҳам ана шунда.

Газета сўзи янгиликка кенг йўл очиб, янгиликни тарғиб қилиб, ҳамма ерда мағрур жарангламоқда. Турмушимизда куни тугаб бораётган барча қолоқ нарсаларни танқид қилиш, уларни тугатиш, янги урф-одатлар ва анъаналарни кенг ёйишда ҳам матбуотимизнинг коллектив ташвиқотчилик ва ташкилотчилик роли яққол кўзга ташланмоқда.

Айтайлик, бирон бир коллективнинг меҳнат фаолиятида янги ташаббус туғилди, қимматли тажриба тўпланди. Матбуот ўзининг кўп сонли ишчи ва қишлоқ мухбирлари орқали ана шу янгиликни илғаб олиб, уларни кўкка кўтариб, кенг жорий этилиши учун жон куйдиради. Бинобарин, эндиликда ҳақли равишда таъкидлаш мумкинки, бизнинг мамлакатимизда матбуот овози халқ овозидир.

Колхозимиз пахтакорлари йил сайин юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Пахтачиликда фан-техника тараққиёти тобора жадал тус олаяпти. Илғор тажрибалар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини бир маромда ривожлантиришга имкон бермоқда. «Правда», «Известия», «Совет Ўзбекистони» «Правда Востока» газеталари, автоном республикамизда чиқаётган матбуот нашрлари халқ хўжалигининг етилган масалаларини тобора дадил кўтариб чиқмоқдалар. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда партия илгари сураётган ғояларни матбуотимиз кенг пропаганда қилмоқда.

Газеталар саҳифаларида берилаётган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик, планлаштиришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилаш, совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилишга бағишланган мақолалар, лавҳа ва очерклар бизга ишда ва ҳаётда катта ёрдам бермоқда. Экономикани юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Газеталарда колхозимиз меҳнаткашларининг фидокорона яратувчилик ишлари, тажрибаларимиз ҳақидаги мақолалар эълон қилинганида, ҳар биримиз учун бу катта қувончга айланиб кетади. Кўпинча газета материалларида пахтачилик ва чорвачиликни юксалтириш учун кураш жараёнлари тўлақонли, ҳаяжонли акс эттирилади. Бу эса бизни янада унумлироқ, баракалироқ меҳнат қилишга руҳлантиради.

Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашда ҳам матбуотнинг роли катта бўлмоқда. Газета ва журналларда ҳосилнинг тобора кўп қисмини машиналар билан териб олаётган моҳир механизаторлар тажрибаси кенг ёритилаётир. Механизатор кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ проблемалар ҳам матбуотнинг диққат марказида турибди. Ҳозирда колхозимизда ҳар уч кишининг иккиси механизаторлик касбини эгаллаб олган. Биз бутун ҳаракатни, куч-ғайратни қишлоқда яшовчи ҳар бир киши техникани бошқара оладиган даражага етишига сафарбар этмоқдамиз. Бу пахта етиштиришни кескин кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш имконини беради. Мана шу ғоят катта ишда ҳам матбуот ўзининг руҳлантирувчи даъваткор сўзи билан бизга катта ёрдам бермоқда.

ЁРҚИН ДАЛИЛ

Наманганда матбаачилик, полиграфия узоқ тарихга эга. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейиноқ бу ерда босма нашрлар юзага келди. Жумладан, уезд-шаҳар Советининг қарорига мувофиқ, 1918 йил 1 сентябрдан «Ишчилар қалқони» (ҳозирги «Наманган ҳақиқати») газетаси чиқа бошлади.

Ушандан буён олтмиш йилдан кўпроқ вақт ўтди. Эндиликда бу ерда рус, ўзбек тилларида иккита область, ўнта район, иккита кўп тиражли газета мунтазам чиқиб турибди. Уларнинг жами тиражи бир миллион нусхага боради. Коммунистик партия, Совет ҳукумати Наманган областида матбуот ва полиграфия саноатини юксалтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётир. Совет матбуоти куни арафасида ишга туширилган Матбуот уйи бунинг ёрқин далилидир.

— Наманганда янги замонавий полиграфия машиналари, автомат линиялар билан жиҳозланган йирик ва муҳташам Матбуот уйи муддатидан анча илгари қуриб битказилди, — дейди нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари область бошқармасининг бошлиғи О. Қамбаров. — Қурилишда темир-бетон плиталар, йирик ойналар, хилма-хил мармар нақшлар, қуёш нуридан сақловчи ускуналардан кенг фойдаланилди. Бу тадбир бино архитектурасини мазмунан бойитишга, кўркамлигини оширишга самарали таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда «Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда» газеталари ва яқин атроф район газеталари шу ерда чоп этилмоқда. Қувончлиси шундаки, рангли жилдлар, китоблар ва брошюралар чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Цинкография, фотолабораторияларни мукаммал асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам бераётир.

Қурилишни 1979 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган 10-трест бинокорлари амалга оширдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Қўчқоров бошлиқ комплекс бригада азаматлари Матбуот уйи пойдеворидан тортиб, то пардозларигача бўлган юмушларни зўр қатъият, юксак масъулият билан бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг газета-журнал экспедицияси коллективи Совет матбуоти кунини муносиб кутиб олмоқда. Суратда: газета саралоВчилардан М. Саъдуллаева ва Т. Раҳматова иш устида.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон чинакам саводхон ўлкага айланди. Ҳозир республикамизда 273 та газета, 43 та журнал, 32 та журнал типидаги нашр чоп этиляпти.

● Республикамизда 162 та полиграфия корхонаси мавжуд бўлиб, уларда йилига 2100 номдан кўпроқ брошюра ва китоб нашр этилмоқда. Уларнинг йиллик тиражи салкам 36 миллион нусхани ташкил этади.

● Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганидан буён 76 минг 755 номда китоб ва брошюра нашр этилди.

● Ўзбекистон китоб маҳсулотлари нашр этишда РСФСР ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар Совет Иттифоқидан ташқари 43 та чет мамлакатга ҳам юборилмоқда.

● Улуғ Ватан уруши йилларида жангоҳларда ўзбек тилида 13 номда фронт газеталари чиқарилиб, жангчилар ўртасида кенг тарқатилди. Уларда 40 дан зиёд ҳарбий мухбир ишлаган эди.

● Ўзбекистон журналистлар ташкилоти сафида 2600 дан ортиқ қаламкаш бор. Журналистларнинг 80 процентдан кўпроғи олий маълумотга эгадир.

● Ҳозир Ўзбекистонда Ўрта Осиёда энг йирик газета-журнал нашриёти, 7 та ихтисослашган китоб нашриёти, «Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими, Бутуниттифоқ «Внешторгиздат» бирлашмасининг Ўрта Осиё бўлими, «Статистика» нашриётининг Тошкент бўлими ишлаб турибди.

● Ўзбекистонда нашр этилаётган китоблар ўзбек, рус, қорақалпоқ ва татар тилларида чиқарилмоқда. Нашр этилаётган оммавий ахборот воситаларининг 70 процентга яқини ўзбек тилида нашр этилмоқда.

Пойтахтимиздаги 1-босмахонанинг меҳнат аҳли ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун курашиб, социалистик мусобақани янада кучайтирмоқда. Беш йиллик зарбдорлари — ишчилар Е. Барашенкова ва Ф. Зокиров ўртоқлар смена ва ойлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. А. Тўраев фотолари.

ТОШКЕНТЛИК УЙСОЗЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ КЎПАЯДИ

Трестимиз бинокорлари Тошкентдаги «Ҳурмат Белгиси» орденли 1-уйсозлик комбинати бир гуруҳ бригада бошлиқларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига йўллаган мактубини катта қизиқиш ва зўр меҳнат кўтаринкилиги билан қарши олдилар.

Шуни қувонч билан айтишимиз кераккки, шу йилнинг март ойида бизнинг «Бухараградострой» трестимизга асос солинди. У мавжуд уйсозлик комбинати базасида ташкил топди. Бу, областимизда уй-жой бинолари ва шаҳарлар қурилишига партия ва ҳукуматимиз кўрсатиб келаётган катта ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Ўтган йилнинг охирларида эски комбинатнинг иккинчи навбати реконструкциядан чиқарилиб, унинг қуввати йилига 100 минг квадрат метр уй-жой тайёрлаш даражасига етказилди. Шунингдек, қулай ва шинам уйларнинг янги сериясини қуриш ўзлаштирилди.

Трестимизнинг келажаги порлоқ. Унинг қуввати йилига 300 минг квадрат метр уй-жой ҳозирлаш даражасига етказилади. Бригада пудрати методи кенг жорий этилади. Айни кунда 15 та қурилиш бригадаси хўжалик ҳисоби бўйича иш юритмоқда. Буидан улар катта самарадорликка эришмоқдалар.

Бригадаларимизнинг меҳнатсевар қурувчилари тошкентлик уйсозларнинг иш ҳафтасидан унумли фойдаланиш ҳақидаги мактуби билан чуқур танишиб, ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. Бундоқ ҳисоб-китоб қилинса, бир кун ишчи ҳафтасининг 20 процентини ташкил этади. Иш соатидан самарали фойдаланиб, кўзда тутилгандан кўпроқ ва сифатлироқ иш бажариш учун бизда етарли имкониятлар, ички резервлар бор.

Чунончи, материал бўлмай қолганидан кўпгина ҳолларда бекор туриб қолинади. Қурилишда графикка қатъий риоя қилиш йўқотилган қимматли соатларни қоплашга ёрдам берган бўларди. Баъзан бирор-бир циклнинг кечиктирилиши сабабли бино қисмларини чала ҳолда қолдиришга тўғри келади. Кейинчалик эса, у ерда, такрор ишлашга, камчиликни тугатишга мажбур бўламиз.

Бригадир — қурилиш майдончасида бош фигура. Кишиларни жой-жойига қўйиш, иш фронтини ҳозирлаш, ишлаб чиқариш программасини бажаришга коллективни сафарбар этиш, меҳнат интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ контрол олиб бориш — буларнинг ҳаммаси бригадирнинг билими, тажрибаси, тадбиркорлигига боғлиқ.

Биз санаб ўтган резервлардан ташқари яна анча имкониятлар ҳам борки, улардан оқилона фойдаланиш самаралар хазинасининг кўзини очишга ёрдам берган бўларди. Коллективимиз меҳнат ғайратини янада ошириб, шаҳримиз жамолини очиш йўлида фидокорлик кўрсатади, меҳнаткашларга кўпроқ, қулай ва шинам уй-жой қуриб бериб, ҳовли тўйларини кўпайтираверади. Тобора яқинлашиб келаётган КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб ютуқлар билан қарши оламиз.

М. КОЗЛОВ,
М. ИСМОИЛОВ,
Х. РУСТАМОВ,
«Бухараградострой» трести қурилиш бригадаларининг бошлиқлари.

ҚАТЪИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети баёнот берди. Баёнотда совет жамоатчилиги Жанубий Африка ирқчилари қўшинларининг Ангола Халқ Республикаси чегарасига тўпланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб ташвишланганлиги уқтириб ўтилади. Претория жиноий режимининг бу қуролли хуружи бутун тинчликсевар инсониятнинг қаҳр-ғазабини уйғотди, деб таъкидланади баёнотда.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитети, барча совет кишилари Жанубий Африка ирқчиларининг БМТ аъзоси, Африка Бирлиги Ташкилоти ва блокларга қўшилмаслик ҳаракати аъзоси — суверен давлат бўлмиш Ангола Халқ Республикасига қарши жиноий режаларини нафрат билан қоралайди ва дўст Ангола халқининг революция ғалабаларини, миллий суверенитетни ва мустақилликни ҳимоя қилиш йўлидаги курашини қатъий қўллаб-қувватлашини билдиради.

Ирқчилар ҳамда улар ҳомийларининг ҳар қандай агрессив ҳаракатлари ва террори янги ҳаёт қураётган қаҳрамон Ангола халқини чўчита олмайди, дейилади баёнотда. **(ТАСС).**

ҚИШЛОҚДА «КИТОБ УЙИ»

Урганч районидаги Қоровул қишлоғи марказида Биринчи Май арафасида очилган ихтисослаштирилган китоб магазини дастлабки харидорларга хизмат қилди. «Узкоопстроймонтаж» тресли бўлинмаларининг механизаторлари типовой бинони қуриб бердилар.

220 квадрат метр майдонни эгаллаган савдо зали ёруғ ва муҳташам бўлиб, қулай ва замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Адабиётлар ўз-ўзига хизмат қилиш усули билан сотилади. Буюртмалар столи харидорлар хизматида. Бу ерда сиёсий масалалар, қишлоқ хўжалиги, фан ва ишлаб чиқариш экономикасига оид китобларга буюртма қабул қилинади.

Хоразм область қишлоқларида 11 та йирик китоб магазини қурилди. Жами республиканинг қишлоқ жойларида 390 га яқин шундай китоб магазинлари бор.

(ЎзТАГ).

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг секретариати 1979 йилда ўтказилган республика ижодий конкурсларининг якунларини чиқарди.

Ўтган йилги энг яхши журналистик иш конкурси бўйича қуйидагиларга мукофот, лауреат унвони ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг дипломлари бериладиган бўлди:

Хоразм область Телевидение ва радио комитетининг раиси **Жаббор Жуманиёзовга**, Хоразм телевидение студиясининг оператори **Альберт Сиддиқовга** ва студия редактори **Рафиқ Валиевич Ўзбековга** — «Жайхуннинг жиловланиши» ҳужжатли телевизион фильм сценарийси учун;

Республика радиоси чет эл учун эшиттиришининг шарҳчиси **Петр Семенович Долговга** — совет турмуш тарзи тўғрисидаги материал учун;

Республика «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакторининг ўринбосари **Тоҳир Мирходиевга** ва шу газета мухбири **Музаффар Туробовга** — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Замон ва зиёли» проблемали мақолалари учун;

Калинин район «Ленинчи» газетаси (Тошкент области) редакторининг ўринбосари, **Абдусаттор Ҳатамовга** — шу газетада партиявий мавзуда босилган «Партия группасининг кучи нимада», «Коммунист чорвачиликда», «Коммунистнинг масъулияти» сарлавҳали мақолалари учун;

«Совет Ўзбекистони» республика газетасининг катта мухбири **Эркин Хўжаевга** — беш йилликнинг зарбдор қурилишларига оид шу газета саҳифаларида эълон қилинган «Ҳамжиҳатликка нима етсин», «Маржонбулоқ шижоати», «Кумуш камар», «Қарс икки қўлдан» сарлавҳали материаллари учун;

«Правда Востока» республика газетасининг Хоразм области бўйича ўз мухбири **Константин Владимирович Цикановга** — Ғафур Ғулом номли нашриёт чоп этган «Хоразм характери» очерклар китоби учун.

Бир қанча материалларнинг муаллифлари диплом билан мукофотланди.

Социалистик мусобақани энг яхши ёритганлиги учун конкурси юзасидан республика «Совет Қарақалпакстани», «Ёш ленинчи» газеталари, «Сирдарё ҳақиқати» область газетаси, Хонқа район «Шонли меҳнат» газетаси редакцияларининг коллективларига мукофотлар ва дипломлар бериладиган бўлди.

«Правда Востока», «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» республика газеталари, «Наманганская правда» область газетаси, Зафар «Коммунизм йўли» (Наманган области) ва Хўжаобод «Шонли меҳнат» (Андижон области) район газеталари редакцияларининг коллективлари дипломлар билан мукофотландилар.

«Пахтакорнинг олтин қўллари» шиори остида ўтказилган конкурс юзасидан:

ЎзТАГ қишлоқ хўжалиги редакциясининг масъул випускающийси **Сергей Михайлович Гребенюкка** — «Ҳурмат—знак почет» репортажи учун ва агентликнинг иттифоқ ва чет эл матбуоти учун ахборот бош редакциясининг бош редактори **Ефим Соломонович Таубеншлагга** — «Одамлар ато этган меҳр-муҳаббат» репортажи учун биринчи мукофот ва I даражали диплом;

«Совет Ўзбекистони» республика газетаси редакциясининг бўлим мудири **Мурод Мансуровга** — публицистик мақолалари учун, Самарқанд область «Ленин йўли» газетаси пахта йиғим-теримига оид материаллар учун иккинчи мукофот ва II даражали дипломлар;

Ўзбекистон район «Пахтакор» газетаси (Фарғона области) редакцияси коллективига район меҳнаткашларининг пахта учун курашига бағишланган материаллар учун ва Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетасининг катта мухбири **Олимжон Ўроқович Усановга** — ипак пахта етиштириш миришкорларига бағишланган «Деҳқон ва замон», «Олтин тупроқ» очерклари ва бошқа материаллар учун учинчи мукофот ва III даражали дипломлар бериладиган бўлди.

Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси, Тўрақўрғон район «Машъал» газетаси (Наманган области) редакциялари коллективлари, «Правда Востока» газетаси редакциясининг бўлим мудири **Виктор Петрович Никулин**, Хоразм телевидение студиясининг бош редактори **Олланазар Худойназаров** дипломлар билан мукофотландилар.

Ҳарбий-ватанпарварлик тематикасини энг яхши ёритганлиги учун конкурси юзасидан:

«Правда Востока» ва «Наманган ҳақиқати» газеталари редакцияларининг коллективларига биринчи мукофот ва I даражали дипломлар;

Ўзбекистон телевидениесига — «Совет жангчиси» тележурнали учун ва Сурхондарё области «Ленин байроғи» газетаси коллективига иккинчи мукофот ва II даражали дипломлар;

«Наманганская правда» область газетаси редакцияси ва Ўзбекистон информация агентлиги (ЎзТАГ) коллективларига учинчи мукофот ва III даражали дипломлар бериладиган бўлди;

Охунбобоев район «Ленин йўли» (Фарғона области) ва Пахтаобод район «Пахтаобод» (Андижон области) газета редакцияларининг коллективларига рағбатлантириш мукофоти ва дипломлари бериладиган бўлди.

Район, шаҳар ва кўп тиражли газета редакцияларида оммавий ишларни энг яхши йўлга қўйганлиги учун М. И. Ульянова номидаги мукофот конкурси юзасидан:

Самарқанд район «Шарқ тонги» газета редакцияси коллективига биринчи мукофот ва I даражали диплом;

Денов район «Ғалаба учун» (Сурхондарё области) ва Урганч район «Октябрь байроғи» (Хоразм области) газета редакцияларининг коллективларига иккинчи мукофот ва II даражали дипломлар бериладиган бўлди;

Олтинкўл район «Коммунистик меҳнат учун», «Андижон области), Иштихон район «Колхоз ҳаёти» (Самарқанд области) газета редакциялари ва В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг «За цветные металлы» кўп тиражли газетаси коллективларига учинчи мукофот ва III даражали дипломлар бериладиган бўлди.

Избоскан район «Пахтакор» газетаси редакциясининг коллективи диплом билан мукофотланди.

К. МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 162 ЙИЛЛИГИГА

ИЛМИЙ КОММУНИЗМ АСОСЧИСИ

Совет кишилари, бутун прогрессив инсоният илмий коммунизмнинг асосчиси, буюк мутафаккир Карл Маркс туғилган куннинг 162 йиллигини кенг нишонламоқда. Карл Маркс 1818 йил 5 майда Трир шаҳрида (Рейн бўйи Пруссиясида) дунёга келди. Маркс гимназияни тамом қилгандан кейин дастлаб Бонндаги, сўнгра Берлиндаги университетга кирди, юридик фанлари, айниқса, тарих ва философияни ўрганди. У ёшлик чоғиданоқ ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини, истеъдод ва заковатини халқаро пролетариат ва барча меҳнат аҳлининг озодлиги ҳамда уларнинг манфаатлари учун кураш йўлига бағишлади.

Инсоният тарихида жамият олдида ишчилар синфи ва унинг йўлбошчилари ҳал қилганчалик улуғвор вазифалар ҳеч қачон бўлмаган эди. Жамиятни ҳар қандай эксплуатация ва зулмдан абадий халос қилиш, инсониятни эркин, социалистик ҳаётга олиб келиш — янги тарихий давр масалани ана шу тахлитда қўйди. Халқаро ишчилар ҳаракати Маркс ва унинг сафдоши Энгельс сиймосида машҳур йўлбошчиларга эга бўлдики, улар юзага келган тарихий вазиятни доҳиёна тарзда пайқаб олдилар, ижтимоий тараққиётнинг туб проблемаларини аниқлаб билдилар, аср томонидан ўртага қўйилган энг муҳим масалаларга биринчи бўлиб илмий асосда жавоб бердилар. Уларнинг бой ва кўп қиррали фаолиятларида пролетариатнинг энг яхши хислатлари: унинг революцион шижоати ва синфий уюшқоқлиги, эксплуататорларга нафрат, озодликка эришиш азму қарори, халқларнинг порлоқ истиқболга ишончи ўз мужассамини топди.



Марксизмнинг вужудга келиши философия, сиёсий иқтисод, тарих фанида ва ижтимоий фанларнинг бошқа соҳаларида буюк революцион тўнтариш бўлди. Марксизм жаҳон цивилизациясининг тараққиётининг кенг йўлидан ташқарида юзага келган эмас, албатта. «Маркснинг гениаллиги шундаки, — деган эди В. И. Ленин, — **у инсониятнинг илғор тафаккури аллақачон ўртага қўйган саволларга жавоб берди. Маркс таълимоти философия, сиёсий иқтисод ва социализм буюк намояндалари таълимотининг тўғридан-тўғри ва бевосита давоми сифатида юзага келди ва у инсоният XIX асрда немис философияси, инглиз сиёсий иқтисоди, француз социализми орқали бунёд этган барча энг яхши нарсаларнинг қонуний ворисидир.**

Ҳар қандай фан сингари марксизм ҳам реал воқеликнинг объектив қонунларини билиш жараёнида шаклланди ва ривожланди. Маркснинг икки буюк кашфиёти: тарихни материалистик тушуниш ва қўшимча қиймат назарияси туфайли социализмнинг утопиядан фанга айланиши мумкин бўлди. Жамият тарихий тараққиётининг асосий қонунининг кашф қилиниши — 1840 йилларнинг ўрталарига доир бўлиб «Муқаддас оила», «Немис идеологияси»да ва бошқа асарларда ривожлантирилган эди. К. Маркс «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарига ёзган ва 1859 йилда эълон қилинган сўзбошида бу қонунга классик таъриф берган. Дунёни материалистик асосда тушуниш, унинг ибораси билан айтганда, кейинги тадқиқотларининг ҳаммаси учун асосий омил бўлди.

К. Маркс иқтисодий назариянинг пойдевори — қўшимча қиймат тўғрисидаги таълимотни яратди. Бу таълимот 1857—1858 йилларда «Сиёсий иқтисод танқиди», «Капитал»нинг дастлабки вариантидан иборат бўлган қўлёзмада асослаб берилди. Кейинчалик эса «Капитал»нинг биринчи томида изчиллик билан ишлаб чиқилди. Қўшимча қиймат капиталистик эксплуатациянинг моҳиятини ва механизмини очиб, пролетариатнинг капитализм шароитидаги ҳақиқий аҳволини кўрсатиб берди. В. И. Ленин марксизм философияси ва сиёсий иқтисоднинг бир-бири билан узвий, чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлар экан, бундай деб ёзган эди: **«Фақат Маркснинг философик материализми пролетариатга ҳозиргача барча мазлум синфларнинг қисмати бўлиб келган маънавий қулликдан қутулиш йўлини кўрсатиб берди. Фақат Маркснинг иқтисодий назарияси капитализмнинг умумий тузумида пролетариатнинг тутган ҳақиқий ўрнини тушунтириб берди».**

Маркснинг буюк хизмати шундаки, у капитализмнинг гўркови ҳамда янги, коммунистик жамиятнинг бунёдкори бўлган пролетариатнинг жаҳоншумул-тарихий ролини илмий жиҳатдан асослаб берди. 1848 йилдан 1871 йил Париж коммунасигача ўтган давр илмий коммунизм назарияси тараққиётидаги муҳим босқич бўлди. Бу даврда Маркс дўсти ва сафдоши Ф. Энгельс билан ҳамкорликда 1848 йил революцияси тажрибасини умумлаштирди, I Интернационални барпо этди, социализмни майда буржуача бузишларга қарши, прудонизм ва бакунинчиликка қарши изчил кураш олиб борди. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг шу даврдаги «Коммунистлар союзига Марказий Комитетнинг мурожаати», «1848 йилдан 1850 йилгача Францияда синфий кураш», «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери», «Германияда деҳқонлар уруши», «Германияда революция ва контрреволюция» ва бошқа асарларида илмий коммунизм назарияси янги хулосалар ва қоидалар билан тўлдирилди. Бу асарларда узлуксиз революция, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, буржуа давлат машинасини парчалаб ташлаш ва унинг ўрнига пролетариат диктатураси органларини барпо этиш зарурлиги ғоялари олға сурилди. К. Маркс синфларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тараққиётининг муайян тарихий босқичлари билан боғлиқ бўлиб, синфий кураш, албатта пролетариат диктатурасига олиб келади ва бу диктатуранинг ўзи ҳар қандай синфларнинг тугатилишига ва синфсиз жамиятга ўтишдан иборат, деган доҳиёна қоидани кашф этди ва асослаб берди.

Марксизм тарихда биринчи бўлиб социализмни ишчилар ҳаракати билан бирлаштирди, революцион назарияни революцион практика билан боғлади. Ишчилар синфининг революцион кучларига қаттиқ ишонган буюк доҳий жаҳон революцион процессининг узоқ давом этиши, мураккаблигига, зиддиятли характерда эканлигига жуда ҳам тўғри баҳо берган эди. Маркс ишчиларга мурожаат қилиб, бундай деган эди: **«Сизлар мавжуд шароитларни ўзгартириш учунгина эмас, балки ўзингизни ҳам ўзгартириш, ўзингизни сиёсий ҳукмрон бўлишга қодир қилиш учун, эҳтимол яна 15, 20, 50 йил гражданлар урушини ва халқаро тўқнашувларни бошингиздан кечиришингизга тўғри келар».**

Шундай давр келди ҳам. Орадан 50 йил ўтгач Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Бу революция инсоният тарихида янги давр — капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди, жаҳон социалистик системасининг қарор топишига асос солди. Ўтган асрнинг 40-йилларида, илмий коммунизм назарияси эндигина шакллана бошлаган пайтда унинг тарафдорлари 300 коммунистдан иборат эди. Эндиликда эса дунёнинг 90 дан ортиқ мамлакатидаги коммунистлар армияси сафларида 70 миллиондан ортиқ актив курашчи бор. Бундан 60 йилдан кўпроқ муқаддам В. И. Ленин бутун дунё тарихи Париж коммунаси ва 1905-1907 йиллар революциясидан кейин марксизмнинг тўғрилигини тасдиқлади ва унга зафар тантаналари келтирди, деб ёзган эди. Жаҳон социалистик системасининг мавжудлиги, унинг илмий коммунизмнинг назарий ва принципиал заминида барпо этилганлиги, муваффақият билан тараққий қилаётганлиги ҳамда гуллаб-яшнаётганлиги марксизм-ленинизмнинг ҳаётийлигини ва қудратли кучга эга эканлигини ажойиб тарзда исботлади.

К. Маркс ишларининг гениал давомчиси В. И. Ленин марксизмни ижодий ривожлантирди, пролетариатнинг революцион кураши ва социализм қурилиши практикасини бойитди ва тўлдирди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Карл Маркс олтин медали топширилишига бағишланган маросимда таъкидлаганидек, В. И. Лениннинг илмий даҳоси ва революцион эҳтироси билан ривожлантирилган ва бойитилган Маркс таълимоти миллионлар онгига чуқур сингиб, бизнинг мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасига олиб келди. Бу ер юзида янги дунёни — социализм дунёсини бунёд этиш даврининг бошланиши бўлди. Бизнинг кунларда, ривожланган социалистик жамият шароитида биз илмий социализм асосчиларининг тарихий эстафетасини янада баланд кўтариб, уни коммунизм қурилиши йўлидан олиб бориш бахтига муяссар бўлдик.

Инсоният тарихида энг адолатли ва инсонпарвар жамият бунёдкорлари бўлмиш совет кишилари ўзларини Маркс, Энгельс, Ленин буюк ишларининг ворислари ва давом эттирувчилари деб билиш учун ҳамма асосга эгадирлар. КПСС XXIII, XXIV, XXV съездларининг қарорлари, халқаро ишчилар ва коммунистик партияларнинг программ ҳужжатлари— илмий коммунизм назарияси ва практикаси ривожининг ҳозирги босқичдаги чўққисидир. Бу чўққи инсониятга порлоқ келажак йўлини ёритиб турибди.

С. НОСИРХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЁНҒОҚЗОР ВА БОДОМЗОРЛАР

Марказий Фарғона чўлларида бу йил янги ёнғоқзор ва бодомзорлар бунёд этилди. Областда энг йирик ҳисобланган марказий ўрмон хўжалиги коллективи барханлар бағрида дашт ерлардан тортиб олинган майдонларда ана шу боғларни яратди. 20 гектар ерга ёнғоқ, 10 гектар ерга эса бодом кўчатлари ўтказилди.

«Фарғона» ўрмон хўжалигида ҳам боғларни кенгайтириш борасида катта ишлар қилинди. Янги очилган 19 гектар майдонда ўрик ва бодом кўчатлари ўтказилиб ёш боғлар парвариши бошлаб юборилди. Шунингдек «Қўқон» ўрмон хўжалиги коллективи ҳам янгидан 90 гектар майдонда қайрағоч ва теракзорлар барпо этди.

Шуниси характерлики, область ўрмон хўжаликлари колхоз ва совхозларга, ташкилотларга турли хил кўчатлар етиштириб беришда ҳам катта ишларни амалга оширмоқда. Бу йил ана шу хўжаликлардаги питомникларда 15 минг донадан зиёд мевали дарахт ҳамда тут кўчатлари етиштирилди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРВАРИШ ҚИЛИНМОҚДА

Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхоз деҳқонлари ўтган йили гектаридан 37.4 центнердан пахта хирмони кўтариб, яхши натижани қўлга киритган эдилар. Улар бу йил 40 центнерлик маррани кўзламоқдалар.

Хўжаликда чигит экиш уюшқоқлик билан ўтказилди. 14 та сеялка билан ҳар куни 90—100 гектар майдонга барака уруғи қадалди.

Колхознинг гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини қабул қилган Қудрат Маҳмудов бошлиқ бригадаси азаматлари 112 гектар майдондаги уруғни ундириб олиб, ёш ниҳолларга дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордилар. Бу ишда механизатор Эрдон Мардонов фаоллик кўрсатмоқда.

А. РЎЗИЕВ,
Самарқанд области.

ИЛҒОР ТАЖРИБА—ҲАММАНИНГ МУЛКИ

„СУРХОН" ИПАК ПАХТАСИ

Кичкинагина бир рўзғорнинг кундалик ташвиши, шодлиги қанчадан қанча! Рўзғор бошлиғи ташвишли дамларда изтироб чекса, шодлик онларида чеҳрасида табассум чечак отади. Қиёслаш ўринли бўлса катта давлат хўжалиги раҳбарининг ҳолати ҳам айнан шундай. У изланади, номақбул ишни мақбул ишга айлантириш чорасини қидиради, резервларни топиб ишга туширишга бош-қош бўлади.

— «Сурхон» совхози поғонама-поғона ипак пахта етиштиришга ихтисослаштирилсин...

Давлат ака шуни ўйларкан, хўжаликнинг ер, сув, техника ресурсларини бирма-бир хаёлдан ўтказди. Ипак пахта чигити замин мижозига мос келармикин, ниҳоллар бир текис ўсармикин?! Ҳароратнинг фойдали қисми кўсакларнинг тўлишиши, барвақт очилиши, пахтанинг торози босишига етарли таъсир кўрсатармикин?! Даромад қандай бўларкин?! Тўғри, районнинг айрим хўжаликларида ипак пахта етиштириляпти. Лекин ҳосил чўғидан кўнгил тўлмаяпти. Бунга деҳқонларнинг ипак пахта сирини яхши билмасликлари сабаб бўлмаётганмикин?!

Область партия комитетининг бюро мажлисида ипак пахта етиштиришни кўпайтириш масаласи муҳокама қилинганда Давлат аканинг фикри ҳам сўралган эди. Лекин иш бу қадар заминдор бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди у.

— Қарор расмият учун эмас, ижро учун, ҳаётга татбиқ этиш учун қабул қилинади, уни бажариш партиявий бурч! — лаблари пичирлади Давлат аканинг.

Ойлар йилларга туташди, хўжалик раҳбарининг ишлари бошидан ошди. Мутахассислар, бободеҳқонлар, механизаторлар, муболағасиз айтиш мумкинки, нина билан қудуқ қазидилар. Дастлабки деҳқончилик йилида ҳар гектар майдондан 15 центнердан ипак пахта олинди. Шунча оқ пахтадан олинган даромад буромадни зўрға қоплайди, ипак пахта даромади эса харажатдан ташқари соф фойда келтирди.

Изланиш, кашфиётлар, сув танқислиги, об-ҳаво ўжарликлари, табиий офатлар билан кураш давом эттирилди, айни кезда келажак истиқбол режаларни амалга оширишга бой тажриба тўпланди. Область партия комитетининг қарори амалга оширила бориб, эндиликда «Сурхон» совхози ипак пахта етиштиришнинг тажриба мактабига айланди. Тўғри, хирмонда ипак пахтага нисбатан оқ пахтанинг бўйи баланд, эни кенг.

Совхоз ўтган йили 12.846 тонна пахта тайёрлади, унинг 6.200 тоннаси ипак пахта. Машина теримининг нисбатида ҳам тафовут бор. Шуниси характерлики, совхоз коллективи оқ пахтани сира камайтирмаган ҳолда ипак пахтани кескин кўпайтириш вазифасини кун тартибига қўйди. Масалан, 1980 йилда 15 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга азму қарор қилинди. Унинг 9 минг тоннасини ипак пахта ташкил этади. Шу мақсадда ипак пахта майдони яна 400 гектарга кенгайтирилди. Ялпи ҳосилнинг 10 минг тоннаси (совхоз ингичка толали пахта бўйича уруғчилик хўжалиги ҳисобланади) машиналарда териб олинади.

Совхоз директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Давлат ака Алибоев билан суҳбатимиз якунловчи йил топшириқларини бажариш хусусида борди.

— Совхозимизнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, об-ҳаво ва иқлим шароити мос келадиган колхозлар, совхозлар, районлар, ҳатто областларда дадиллик билан ипак пахта экишга ўтавериш керак. Бу билан ҳам енгил саноатнинг қимматбаҳо хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондирамиз, ҳам хўжаликларни тезроқ бой қиламиз, халқимизнинг турмуш даражасини янада кўтарамиз. Сўзимнинг исботи учун мисоллар келтирамая.

Ўтган йили совхозимиз бўйича ҳар гектар майдондан 37,7 центнер оқ пахта ҳосили олинди. Ипак пахта ҳосилдорлиги эса 38,9 центнер бўлди. Кўриниб турибдики, еримиз кўпроқ ингичка толали пахтани ёқтириб қолди. Бу йил ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш ниятидамиз. Бундай дейишимга асос бор. Аъзам Назимов, Усмон Худойқулов, Абдусалом Худойбердиев, Баҳриддин Баниев бригадалари 46 центнерлик ҳосил маррасини қоралаб қолди. Бошқа бригадаларни уларга тенглаштирсак, шунинг ўзидан қўшимча 650 тонна ингичка толали пахта оламиз.

Мисоллардан кўриняптики, ипак пахта майдони кенгайтирилди, ҳосилдорликни рекорд кўрсаткичга чиқариш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Ҳатто, Имомназар Туронов, Маъмур Ороловлар бошлиқ бўлимларимиз бу йил ҳосилдорликни 43—44 центнерга кўтариш мажбуриятини қабул қилди. Оқ пахта чигитини ҳам, ингичка толали пахта чигитини ҳам тез ва соз экиб бўлдик, ниҳоллар бир текис кўкариб чиқяпти. Биринчи культивация тугалланди. Культивация вақтида ёш ниҳолларни бир марта минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан озиқлантирдик.

Ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилиши муносабати билан яна қандай муаммолар ҳал қилинди, деган савол туғилади. Гап шундаки, оқ пахта билан ингичка толали пахтанинг агротехника тадбирлари ҳам, меҳнати ҳам бир хил, деярли фарқ йўқ. Фақат ингичка толали пахта суви ва ўғитни кўпроқ талаб қилади. Сув ва ўғит эса белгиланган план асосида берилади. Нима қилиш керак?

Ўн далали пахта-беда алмашлаб экиш схемасини жорий қилдик. 7 далада пахта, 3 далада беда, маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлар етиштирамиз. Шуниси муҳимки, уч йиллик беда ҳар гектар ерда 500 килограммгача табиий азот тўплайди. Пахтакорларимизга ҳосилдорликни ошириш учун айнан шу керак. Чорвадорларимиз эса гектаридан ўртача 180 центнердан қуруқ беда пичани ғарамлаб оляптилар.

— Ингичка толали пахта етиштириш билан чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтиришга ҳам мустаҳкам замин яратяпмиз денг?

— Худди шундай. Ҳозирги схема бўйича 640 гектар майдонда беда ўстириляпти, йилига 7500—8000 тонна беда пичани тайёрланяпти. Гектаридан ўтган йили 101 центнердан «каҳрабо дон» олдик, бу йил 120 центнерлик маррани мўлжаллаб қўйдик. 40 гектар ерда хашаки лавлаги ўстириб, уч ярим минг тонна атрофида ҳосил оляпмиз. Буларнинг ҳаммаси чорва моллари учун озуқа дегани.

— Халқимизда: «От олишдан олдин яхши ният билан қозиқ қоқ», — деган мақол бор. Шунга амал қилиняпти денг?

— Ҳа, озуқа базасини мустаҳкамлаб олдикми, энди туёқ сонини кўпайтиряпмиз, бу эса маҳсулотлар миқдорининг ортиши, сорти ва сифатини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнаяпти. Тўғри, чорва комплекси қурилиши, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларнинг механизациялаштирилиши, кадрлар малакасининг оширилишининг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Лекин бизнинг кун тартибига қўйган шиоримиз: озуқа, озуқа, озуқадир.

Совхозимиз коллективи жуда катта синов олдида турибди. 1980 йилда барча тармоқлардан 14 миллион сўм даромад, шу жумладан 6,5 миллион сўм соф фойда олиш, хўжалигимиз бўйича рентабелликни 70 процентга етказишимиз керак. Бунга пахта, хусусан, ингичка толали пахта, ҳамма турдаги чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, тежамкорликни кучайтириш, исрофгарчилик, беларволик, бегамликка барҳам бериш йўли билан эришамиз. Шуни кўзлаб ғўза парваришини жадаллаштиряпмиз, гектарларнинг тўлиқ, кўчатлар сонининг бут бўлишини кучайтиряпмиз, социалистик мусобақани юқори поғонага кўтаряпмиз. Далалар, фермалардаги ишлар деҳқонлар, чорвадорлар меҳнати, техника қудрати билан бажарилади. Етарли техникамиз, ажойиб механизатор кадрларимиз бор, партия ташкилотимиз жанговар. Демак, якунловчи йил топшириқларини ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан тўла ҳамда ошириб бажарамиз дея оламиз.

Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг ибратли ишларидан намуна олса арзийди.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЮКСАК СУРЪАТЛАР БИЛАН

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг пахтакорлари 57 культиваторнинг ҳаммасини ишга солдилар. Бу ерда экинларга юксак суръат билан ишлов берилмоқда. Механизаторлар кунлик топшириқларини ошириб бажармоқдалар.

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор А. Авазова бошчилик қилаётган В. И. Ульянов номли бўлимнинг далаларида культивация, айниқса, жадал олиб борилмоқда.

Беш йилликнинг якунловчи йилида гектар бошига 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашаётган бўлим механизаторлари ҳамма майдондаги ғўзанинг дастлабки культивациясини тугалладилар.

Самарқанд области. Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхозининг Нормамат Жўраев бошлиқ бригадаси коллективи 20 гектар ерга маккажўхори экиб парвариш қилмоқда. Бригада азаматлари ҳар гектар ердан 120 центнердан сара дон олишмоқчи. Суратда: механизатор Болта Шомев маккажўхорига ишлов беряпти.

И. Хасанов фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

● **СОФИЯ**

Болгарияда Халқаро бирдамлик куни меҳнат аҳлининг йўлбошчиси, устози ва дўсти, ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлати бунёдкори — В. И. Лениннинг туғилган куннинг 110 йиллиги белгиси остида байрам қилинди. София меҳнаткашлари Биринчи Май байрам намойишига улуғ Ленин байроғи остида чиқдилар. Улуғ Лениннинг революцион таълимоти ва иши меҳнаткашларнинг ватанни ижтимоий қайта қуриш йўлидаги курашининг моҳияти, мазмуни ва қуроли бўлиб қолди, деб ёзади БКП Марказий Комитетининг органи — «Работническо дело» газетаси.

Ишчиларнинг қўлларидаги янги очилган гуллар ва байроқлар Биринчи Май намойишига чиққан меҳнат аҳлининг қатъий ва дадил одими — тинч, порлоқ келажакнинг гаровидир, деб таъкидлади газета. (ТАСС).

КУБА КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ АРАФАСИДА

ГАВАНА, (ТАСС). Куба Коммунистик партиясининг II съезди шу йил декабрь ойида бўлади. Куба Компартияси Марказий Комитетининг ахборотида шундай деб айтилган. Съездга тайёргарлик комиссиясига Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Фидель Кастро бошчилик қилмоқда.

Куба коммунистлари ўз анжуманида Куба Компартиясининг 1975 йилда бўлиб ўтган I съезди қарорларини бажариш юзасидан партиянинг ва бутун жамиятнинг қилган ишлари якунларини муҳокама қилади. Кун тартибига мувофиқ, шунингдек 1981—1985 йилларга мўлжалланган келгуси беш йилликда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тасдиқланади.

ТЕҲРОНДА ОММАВИЙ МИТИНГ

ТЕҲРОН, 3 май. (ТАСС). АҚШнинг Теҳрондаги собиқ элчихонаси биноси олдида оммавий митинг бўлиб ўтди. Эронда Биринчи Май байрамини ўтказувчи ташкилот штабининг вакили митинг иштирокчилари ҳузурида штаб резолюциясини ўқиб берди.

Шу ҳужжатда жумладан, Эрон халқи бутун дунёда мазлумларнинг кураши билан бирдам бўлиб, Картер ва унинг иттифоқчилари телбаларча кирдикорларига қарши турганлиги уқтириб ўтилади.

Биз сотқин шоҳнинг топширилишини, унинг ва Америка жосусларининг суд қилинишини, шунингдек АҚШ ва унинг агентларининг Эрондаги кирдикорларига қарши қатъий ҳаракат қилинишини талаб этамиз, дейилади резолюцияда. Бизнинг халқимиз АҚШнинг Эронда шарманда бўлган авантюрасини қоралайди ва Америка ишчиларига мурожаат қилиб, Картернинг телбаларча ҳаракатларига қаршилик кўрсатишга даъват этади. Америка империализмига муваффақият билан қарши туриш учун аксилинқилобчиларга ва АҚШ билан тўғридан тўғри ёки бевосита ҳамкорлик қилаётган ҳар қандай гуруҳларга қарши қатъий чоралар кўрилишини талаб қиламиз.

Резолюцияда ҳукумат шаҳар ва қишлоқда ишсизликни тугатишга, янги корхоналар қуришга, саноатда ва қишлоқ хўжалигида кооперативларни тузишга киришишга даъват этилади.

АМЕРИКА—ЭРОН МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

ВАШИНГТОН, 2 май. (ТАСС). АҚШнинг Эронга қарши қуролли авантюраси қақшатқич мағлубиятга учраганлигига қарамай, Ж. Картер маъмурияти ўз мақсадларига эришиш учун ҳарбий кучдан фойдаланиш йўлидан асло воз кечаётгани йўқ.

АҚШ денгиз пиёдалари корпуси расмий вакилининг хабар қилишича, танклар ва бошқа ҳарбий техниканинг атайлаб чўл рангига бўялган навбатдаги катта туркуми «океан нариёгига» жўнатиш учун шай қилиб қўйилган. Ҳарбий техника интервенциячи «тез чора кўриш корпуси» қисмлари учун мўлжалланган. ЮПИ агентлиги шу муносабат билан қайд этадики, денгиз пиёдаларининг уч бригадасини таъминлаш учун етарли бўлган бу қурол-яроғлар Ҳинд океани районига жўнатилади.

Мана шу факт ва АҚШ маъмурияти милитаристик васваса вазиятини кучайтираётганлиги Вашингтондагилар Эроннинг суверен ҳуқуқларини, халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган ҳолда унинг территориясига яна бостириб киришни уюштириш ниятида эканлигидан далолат беради. Ж. Картер маъмурияти бошқа давлатларни «жазолаш» ёки «адабини бериб қўйиш» каби «ҳуқуқни» аслида ўзлаштириб олмоқда, ваҳолонки, ҳеч ким унга бундай ҳуқуқни берган эмас. Бундай сиёсатга амал қилиш — халқаро ишларда қароқчилик принципига амал қилиш демакдир. Вашингтон Эрон территориясига, унинг территориал сувларига қуролли бостириб кириш режаларини тузиб ва уни амалга ошириб, Эронга нисбатан худди шундай йўл тутмоқда, деса бўлади.

Ж. Картер Америка ва жаҳон афкор оммасини Эронга қарши янги авантюраларга ҳозирлашга интилиб, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари билан учрашувда АҚШ ҳарбийларининг сурбетларча ҳуружини харчанд оқлади, ана шу агрессив ҳуружни оз бўлмаса унинг маъмурияти эришган ғоят катта ютуқ деб тасвирлашга уринди. Муваффақият қозониш имкониятлари кўп эди. Вазиятнинг ноқулай келганлигигина бизни операцияни бекор этишга мажбур қилди. Бизнинг мамлакатимиз — умуман шундай ишни қила олиши мумкин бўлган бирдан бир мамлакатдир, — деб сафсатабозлик қилди у.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ж. Рестон Вашингтон маъмурияти вакилларининг сўнгги баёнотларини анализ қилиб, шуни ёзадики, игвогарлик диверсияси барбод бўлганига қарамай «Картер ҳамон ҳарбий ҳаракатлар қилиш имкониятини кўриб чиқмоқда». Бунда у ўзининг сайловолди фикр-мулоҳазаларига амал қилмоқда.

АҚШ ҳукумати шу йўлдан бориб, иттифоқчиларининг қўлини қайириш тактикасини ишга солиб ўз авантюралари қўллаб қувватланишига эришишни мўлжалламоқда. Ж. Картер Япония бош министри М. Охира билан Оқ уйда ўтказилган музокараларда, Америка расмий шахсларининг баёнотларига кўра, Япония раҳбарига жазо чораларининг катта рўйхатини тақдим этиб, мана шу жазо чораларини амалга оширишни Япониядан талаб қилмоқда. Шу билан бирга, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, «Картер яна куч қўлланмаслиги тўғрисида ҳеч қандай ваъда бергани йўқ».

Бироқ матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, Эрон танглиги масаласига ёндашишда томонларнинг позициялари ҳар хил эканлигини музокаралар яққол кўрсатди. М. Охира Оқ уйда гапириб, Эронга қилинган бандитларча ҳужумни амалда қоралади, халқаро низоларни ҳал этиш чоғида «осойишталик ва вазминликка» даъват этажагини алоҳида таъкидлади. Япония расмий вакилининг далолат беришича, Картер билан учрашувда Япония бош министри «Эрон проблемаси тинч ҳал этилиши» кераклигини рўйи-рост айтди.

ПАРИЖ, 2 май. (ТАСС). Франциянинг «Юманите» газетаси ёзади: Ж. Картер маъмуриятининг гаровга олинган кишиларни озод қилишдан иборат «инсонпарварлик мақсади» баҳонаси билан Эронга қарши қилган қуролли ҳужуми бу ҳақдаги расмий хабарларга қараганда анча кенг мақсадларни кўзлаган. «Картер плани», деб таъкидлайди газета, Эронга қарши осмондан рейдлар қилиш эҳтимолини кўзда тутган. Американинг янги ҳарбий кемалари Форс кўрфазига келтирилганлиги АҚШ Эронга қарши яна ҳам каттароқ ҳарбий ҳуруж қилиш эҳтимолидан далолат беради, деб таъкидлайди газета.

«Котидьен де пари» газетаси «Уммон кўрфазида ғоят хатарли аҳвол» сарлавҳаси остида эълон қилган мақоласида АҚШ шу регионда 37 ҳарбий кема, 34 минг солдат денгиз пиёдалари бўлинмалари, 300 ҳарбий самолёт, шунингдек 2 авианосецни тўплаганлигини маълум қилади. Бошқа 2 авианосец ҳозир Форс кўрфази томон сузиб келмоқда. Америка ва Эрон самолётлари ўртасида осмонда бўлиб турган тўқнашувлар, деб таъкидлайди газета, «американликлар асабийлашганлигини кўрсатади ва Американинг Ҳинд океанидаги флоти жанговар шай ҳолда турганлигини исботлайди».

XXXV ЙИЛ

ЮРАГИДА ТУЙҒУ МЎЛ ЭДИ...

У бор-йўғи йигирма тўққиз йил умр кўрди, йигирма беш ёшида шинель кийиб, она-Ватан ҳимоясига отланди. Ҳам қурол, ҳам қалам билан душманга қарши жанг қилди.

«Мен кетар бўлдим бугун, Ўзбекистоним, яхши қол.
Вақтинча кетдим сендан, боғу, бўстоним, яхши қол»,

— деб ғазал битган самарқандлик жангчи шоир Бурхон Турсунов 1945 йилнинг апрелида, уруш тугашига саноқли кунлар қолганда Берлин остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Бурхон Турсунов 1916 йилда Самарқанд областининг ҳозирги Советобод районига қарашли Жом қишлоғида туғилган. Она қишлоғида саводини чиқаргач, Каттақўрғондаги педагогика билим юртида таҳсил кўрди. Билим юртини тугатиб, 1937 йилда Самарқанд давлат университети (УзДУ)нинг филология факультетига ўқишга кирди ва уни 1941 йили имтиёзли диплом билан тамомлади.

Дорилфунунда у Абдураҳмон Саъдий ва Мақсуд Шайхзода каби устозлардан лекция тинглади, адабиёт тўгарагининг аъзоси бўлди. Айни вақтда «Ғолиблар эли», «Овоз бераман», «Яшнагин, ўлкам», «Слётда», «Давр илҳоми» каби шеърлари, «Самарқанд», «Олтин кўл» балладалари билан республикамиз матбуотида актив қатнашди.

Совет халқининг тинч ҳаётини Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирган немис-фашистлари издан чиқарганда, Қорадарё районидаги 7-мактабда ўқитувчилик қилаётган Бурхон Турсунов ҳам кўп қатори кўнгиллилар сафида жангга отланди. У Намангандаги ҳарбий билим юртини тугатгач, лейтенант унвонини олиб, 368-полк составида фронтга жўнади. Даҳшатли жанг майдонларида унинг сафарбар сатрли «Чегарачига», «Юрагимда туйғуларим мўл», «Шод айласин», «Дўстимга жавоб», «Кўз олдимда Карпат тоғлари», «Салом, хурматли Зуҳрахон», «Бир кўрсам», «Ёд айласин» каби шеър ва ғазаллари битилди. Самарқанддан Берлингача бўлган масофада жангчи шоирнинг блокнотлари ҳозиржавоб шеърлар билан тўлди.

Лейтенант Б. Турсунов душманга ўз миномётчи бўлинмаси билан кучли зарбалар бериб, Украина учун бўлган жангларда — Киев, Житомир, Бело-Церковск, Винница, Проскуров, Тернополь, Львов шаҳарларини, Польшанинг Краков ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларини озод қилишда қатнашиб, Берлингача бўлган зафарли йўлни босиб ўтди.

1945 йилнинг апрели. Совет Армияси шиддатли жанглар билан олға бормоқда, уни энди ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмайди. Лекин душман сўнгги кучларини тўплаб, жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатишга уринади. Берлин яқинидаги Бескау қишлоғи. Жанг авжига минган. Қишлоқ ёнидаги тепаликдан душман дзоти ажал ўқини тинимсиз ёғдирмоқда. Қўлида граната тутган лейтенант Б. Турсунов ана шу дзотни йўқотиш учун эмаклаб боряпти. Ниҳоят, ора яқин қолди... У қаддини ростлаб граната иргитди, лекин шу пайт душман снайперининг ўқи шоир юрагига қадалди. Дзотнинг кули кўкка соврилди. Бу воқеа 1945 йилнинг 10 апрелида юз берган эди.

Юрагимда туйғуларим мўл,
Тасвирлашга сўзлар етмайди.
Ўрмон — қалам, сиёҳ бўлиб кўл,
Ёзаверсам асло битмайди,

— деб ёзган, ҳаётни дил-дилидан севган, халқи, она-Ватани учун жонини қурбон қилган Бурхон Турсуновнинг жасоратини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У Қизил Юлдуз, биринчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари ҳамда қатор жанговар медаллар билан мукофотланган. Унинг блокнотларда қолган, газеталарда чиққан шеърлари тўпланиб, 1961 йилда «Ёдгор» номи билан нашр этилди.

Тошкентдаги Адабиётчилар уйида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ёзувчи, шоир ва журналистлар хотирасига мармар ёдгорлик ўрнатилган. Ватан учун жонини фидо қилган ижодкорларнинг номи мармар тахтага зарҳал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган. Улар орасида Бурхон Турсуновнинг номи ҳам бор.

Самарқанд областининг Жом қишлоғидаги 21-ўрта мактаб шоирнинг номи билан аталади. Мактаб боғига унинг бюсти ўрнатилган. Мактабда тез-тез пионер сборлари ўтказилиб, жангчи шоир Бурхон Турсуновнинг шеърлари жаранглайди...

Н. ОЧИЛОВ.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

«НОРИНКАПА ГУЛЛАРИ»

Норин районидаги «Октябрь» колхозининг «Норинкапа гуллари» бадиий ҳаваскорлик тўгараги салкам ўн йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Талантли коллектив область, республика кўрик-конкурсларида бир неча бор ғолиб чиқиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. 1973 йилдаёқ унга халқ ашула ва рақс ансамбли номи берилди. Ҳозир ансамблда 30 йигит-қиз ўз маҳоратини намойиш қилмоқда. Улар орасида механизатор — С. Мирзаабдуллаев, сут соғувчи — О. Ҳайдарова, сувчи — Т. Назиров, оддий колхозчилар — О. Жамилова, А. Кувватова каби турли касб эгалари бор.

«Норинкапа гуллари» шу кунларда баҳорги дала ишлари илғорларига хилма-хил программаларда концертлар қўйиб беришаётир.

БЕРЛИН ЦИРКИ ГАСТРОЛЛАРИ

Германия Демократик Республикасининг Берлин цирки Наманганда ўзининг йигирма бешинчи мавсумини бошлади. Артистларнинг юксак ижрочилик маҳорати, ранг-баранг программадаги чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Моҳир чавандоз Д. Гюнтернинг 14 «ақлли» отлари, Росса хонимнинг ўргатилган итлари, Оскар ва Мариеттанинг йўлбарслари, Г. Шмидтнинг рақсга тушувчи бўғма илонлари, халқаро классли акробатчиларнинг чиқишлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлмоқда.

Берлин цирки усталари Ўрта Осиё республикаларидаги 40 га яқин шаҳарларда бўлиб, ўз томошаларини кўрсатадилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲУНАРЛИНИНГ — ҚЎЛИ ГУЛ

ЎРИНБОСАРЛАР

Чилонзорнинг 26-кварталидаги 63-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти. Ичкари киришимиз билан қўнғироқ чалинди. Ўқувчилар дарсда олган назарий билимларини тажрибада қўлланиш учун устахоналарга кириб кетишди...

Бу ерда асосан дурадгорлик, бўёқчилик, электр пайвандчилик ва ганч ўймакорлиги бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Ҳозир билим юртида 1475 нафар ўқувчи касб сирларини ўрганмоқда. Улар диплом билан бирга ўрта маълумот ҳақида аттестат ҳам оладилар.

Барча машғулотлар кабинет системасида олиб борилади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 40 та кабинет, кўплаб устахоналар ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган. Эпидескоп, магнитофон, телевизор ва бошқа техник воситалар ўқувчиларга ўтилган мавзуларни чуқур ўзлаштиришга хизмат қилади. Бу ерда рус тилини ва чет тилларини ўрганиш учун ҳам яхши шароит яратилган. Бу хил кабинетлар лингафон аппаратлари билан жиҳозланган.

Ҳунар-техника билим юрти талабалари пухта билим олиш билан бирга бўш вақтларини ҳам кўнгилли ўтказадилар. Бу ерда спортнинг 18 тури бўйича секциялар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти 1967 йили ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида бу даргоҳни бир неча минг йигит-қиз битириб чиқди. Улар Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Шу билим юртининг собиқ талабаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодировни ким танимайди дейсиз?! У ўзининг зарбдор меҳнати билан барчага намуна бўлаётир. Ленин ордени кавалерлари М. Чорнев, Ш. Норқуловлар ҳам шу билим юртида таҳсил кўришган. Бу ерда фақат малакали қурувчиларгина эмас, балки раҳбар кадрлар ҳам етишиб чиқмоқда. Билим юртининг собиқ ўқувчиларидан Йўлдош Алиев 171-, Михаил Иванович Матвеев 22-, Миробид Солиҳов 189-ҳунар-техника билим юртларида директорлик лавозимида ишламоқдалар.

—Партия ва ҳукуматимизнинг ҳунар-техника билим юртларида малакали ишчилар тайёрлашни янада яхшилашга оид қарорларига жавобан таълим-тарбия ишлари савиясини янада оширдик, — дейди билим юрти директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Рихситилла Ҳусанов.— Биз асосан «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш трестлари учун бинокорлар етказиб берамиз. Билим юртимизни битирган ёшлар қалб даъвати билан ўнинчи беш йилликнинг зарбдор қурилишларига ҳам йўлланма олишмоқда. Жумладан, ўтган йили 46 ўқувчи «Олимпиада-80» объектларини барпо этиш учун Москвага жўнаб кетишди.

Бу йил билим юртини 550 нафар ўқувчи битириб чиқиб, мустақил ҳаётга йўлланма олади. Уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий малакага эга бўлишларида Бахтиёр Ёқубжонов, Одил Ҳайдаров, Азиза Ибодиева, Аҳрор Ҳусанов сингари ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Билим юртида экспонатларга бой мўъжазгина музей ҳам бор. Экспонатлар аҳил коллектив эришган ютуқлар тўғрисида мароқли ҳикоя қилади. СССР 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақада эришилган юксак натижалар учун коллективга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг юбилей Фахрий ёрлиғи топширилганди. Бу мукофот ҳам музейга қўйилган.

Музей экспонатлари билим юртининг спортдаги муваффақиятларини ҳам акс эттиради. Бу ерга талабаларнинг шаҳар спартакиадаларида олган совринлари, медаллари қўйилган. Рубобчилар ансамбли, эстрада ва духовой оркестр, вокал-чолғу ансамбллари шаҳар ҳунар-техника билим юртлари ҳаваскорлари кўригида бир неча бор юқори ўрин олган.

Интернационал дўстлик клуби самарали ишлаб турибди. Киев, Таллин, Волгоград, Ашхобод шаҳарларидаги бўлажак қурувчилар билан алоқа кўп йиллардан бери давом этяпти. Яқинда бир группа ўқувчилар Минскка бориб келишди.

Ҳунарлининг қўли гул, дейди доно халқимиз. Билим юрти коллективи ёшларни касб-ҳунарли, малакали кадрлар қилиб тарбиялашда катта ютуқларга эришяпти.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашёси илмий-тадқиқот институтининг металл ҳосил қилувчи қоришмалар лабораториясининг ходимлари ноёб металларни ўрганиш борасида катта ишлар олиб боришмоқда. Суратда: катта инженер-геологлар Р. Маъруфова ва И. Шамсиев иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

МУТАХАССИСЛАР ИЖОДИ

ПРИБОР ПУХТА ЧИҚДИ

Подшипникларнинг совишини кузатиш хизматини электромеханик «контролёр» ўз зиммасига олгач, насос агрегатларининг бекор туриши уч баравар камайди. Янги приборлар илк бор синаб кўрилган Қарши магистрал каналида насослар ремонтсиз ўртача ҳисобда тўрт минг соатдан ишлади — аввалгисидан бир неча марта кўпга чидади.

Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан янгиликнинг самараси шундай бўлди. Илгари қурилмалар иссиқ иқлим шароитларида тез ишдан чиқар, нотўғри кўрсатар ва бу нарса насосларнинг ишига салбий таъсир қиларди. Институтда тайёрланган приборлар эса хато қилмайди. Улар подшипниклар ейила бошлаганлигини вақтида пайқаб ремонтчиларни барвақт огоҳлантиради.

Янгиликнинг ўзини яратган кишиларнинг ҳисоб-китоблари нотўғри эканлигини кўрсатди. Янгиликни Қарши магистрал каналида жорий этишдан олинган йиллик иқтисодий самара кутилганидек 72 минг сўм эмас, балки қарийб уч баравар кўп бўлиб чиқди. Институтнинг экспериментал ишлаб чиқариш корхонаси Грузия, Туркманистон, Украинадан шу приборларни ясаб беришга буюртма олди. Янги приборнинг катта туркуми Олтой ирригаторларига юборилди.

(ЎзТАГ).

ЯХИЭЛ ОҚИЛОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ҲАЁТ КУЙЧИСИ

Буржуа идеологиясининг корчалонлари Совет воқелигига бўҳтонлар ёғдиришни, айниқса, сўнгги вақтларда авж олдирмоқдалар. Уларнинг матбуот, радио орқали тарқатаётган уйдирмаларига кўра совет «майда» миллатлари тенгҳуқуқлиликдан маҳрум эмишлар. Аслида шундайми?!

— Октябрь инқилобидан илгари Ўзбекистондаги барча жафокаш халқ билан бирга маҳаллий меҳнаткаш яҳудийлар ниҳоятда аянчли ҳолда кун кечирардилар. Мен — анча кексайиб қолган кишиман, бу оғир кунларни ўз кўзим билан кўрганман. Фақат улуғ инқилобимиз шарофати билан коммунистлар партияси раҳбарлиги остида яҳудий захматкашлари ҳам ҳақиқий озодлик, бахту саодатга мушарраф бўлдилар, — деб ёзган эди таниқли маҳаллий яҳудий шоири Яхиэл Оқилов.

Я. Оқиловлар оиласи собиқ Оқмачит (Қизилўрда)дан иш ахтариб Тошкентга кўчиб келади. 1909 йилда чор ҳукуматининг фармони билан, камбағал маҳаллий яҳудийлар қатори Оқиловлар оиласи ҳам Тошкентдан сургун қилинади. Подшо ҳукумати юритган ирқчилик сиёсати туфайли Яхиэл ўз акаси билан инқилоб арафасида ҳам Чинозда мушкул аҳволда истиқомат қиларди. Худди мана шу пайтларда у революцион ҳаракатнинг фаол иштирокчиларидан Ҳаққул Ҳусанбоев билан танишди. Оқилов ўзбек большевигидан кўп нарсани ўрганди. Аҳоли орасида варақа, хитобномалар тарқатди, шу кишининг тавсияси билан 1918 йилда Тошкентдаги муаллимлар курсига ўқишга келди. Яхиэл 1920 йилдан бошлаб Туркистон ўлка комсомол комитетида ишлади, 1921 йилда уни Туркистон комсомол Марказий Комитети ҳузуридаги маҳаллий яҳудийлар секциясининг Марказий бюросига масъул секретарь қилиб сайлашди. Комсомоллар аҳоли ўртасида маориф, маданият

ишларини қизғин олиб бордилар. Айни шу вақтларда Туркистон ўлкасидаги қатор шаҳарларда маҳаллий яҳудийлар учун ишчи уйлари, клублар ташкил этилди.

Бу тадбирларни амалга оширишда Яхиэл Оқилов бевосита қатнашиб, фаоллик кўрсатди. У 1923 йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Бу даврда ёш шоир Яхиэл Оқилов актив ижод қилди. Шоир «Қумри» (1934 йил), «Сергей Киров» (1935 йил), достонлари, «Жанговар йиллар» (1960) тўплами, вақтли матбуотда эълон қилинган насрий асарларида фаровон ҳаётимизни улуғлади, совет халқларининг яратувчилик меҳнатини тараннум этди.

Я. Оқилов республика Ёзувчилар союзининг биринчи аъзоларидандир. У С. Айний, З. Саид, Ғ. Ғулом, Ҳ. Пўлат, Н. Сафаров, Ҳ. Шамс, У. Исмоилий, Ойдинлар қатори СССР Ёзувчилар союзи биринчи съездига делегат бўлиб қатнашди. Москвада М. Горький, А. Серафимович сингари совет адабиёти намояндалари билан учрашди. Бу шоирнинг кейинги ижодида муҳим роль ўйнади.

«Сенинг васфингни айтгум неча созлар, ки қилдинг бизни сен дилнавозлар», — дея Улуғ Октябрь социалистик революциясини улуғлаган шоир ҳақида Ленин мукофоти лауреати, академик Ғафур Ғулом шундай деган эди: — «Мен Яхиэл Оқиловни Ўзбекистоннинг энг кекса ёзувчиларидан бири сифатида биламан, у матбуотимизда ўз поэтик ва прозаик асарлари билан тез-тез чиқиб турарди. Яхиэл ижодий фаолиятини 1917 йилдан бошлаган, у хотин-қизларни озод қилиш, ёшларнинг тарбияси, атеистик мавзуларда, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ҳақида ёзарди, бинобарин жамоат ишларини, партия ва комсомол топшириқларини бажариб келарди. У Ўрта Осиё маҳаллий яҳудийлари орасидан етишиб чиққан биринчи, қалдирғоч ёзувчидир».

Бугунги фаровон ҳаётимиз, равнақ топаётган адабиётимиз ҳақида ўйлаганимизда, уларга хизмат қилган кишиларнинг номи беихтиёр ёдимизга келади. Ана шулар қаторида Яхиэл Оқилов ҳам бор.

Б. НАСРИДДИНОВ.

СПОРТ

БИРИНЧИ МАЙГА СПОРТ САЛЮТИ

Суратда: чавандозлик бўйича мусобақаларда.

Ж. Тўраев фотоси.

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида Биринчи Май байрами стадионларда ва майдонларда, бассейнларда ва альпинистларнинг трассаларида спорт турнирлари, оммавий мусобақалар билан нишонланди. Спортнинг энг оммавий турларидан бири — чавандозлик мусобақалари мавсумининг очилиши ҳам шу байрамга бағишлаб ўтказилди. Ўзбекистон чавандозлари СССР халқлари VII Спартакиадасида жуда яхши қатнашдилар, чавандозларнинг энг яхшилари мамлакат Олимпиада терма командасига номзодлик ҳуқуқига сазовор бўлдилар.

2 май куни Ўзбекистон пойтахтининг ўн минглаб аҳолиси Тошкент ипподромида тўпланди. Бу ерда машҳур мастерлар ҳам, шаҳар ва қишлоқ клубларида тарбия кўрган ёшлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Қозоғистон спортчилари ҳам Тошкентдаги мусобақаларга ўз вакилларини юбордилар.

Программага от пойгалари, от спортининг классик турлари киритилган эди.

Томошабинлар асл зотли тулпорларда, қора байирларда ўтказилган пойгаларни, Орёл учқур отларининг ва зоти яхшиланган отларнинг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар, қуёш заррин нурларини сочиб турган чим устида полвонлар, акробатлар, дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. (ЎзТАГ).

БОКУДА ДУРАНГ

«Советский спорт» газетасининг 2 май сонида «Пахтакор» командасининг ярим ҳимоячиси Низом Нортожиев билан суҳбат эълон қилинди. Умидли спортчи учрашув давомида рақиб дарвозасига тўп киритиш учун ҳар бир футболчида 2—3 имконият юзага келади, ана шундан фойдалана билиш керак, деган фикрни билдирди.

Тошкентликларнинг ярим ҳимоячиси ана шу гапини амалда исботламоқда. Бокуда «Пахтакор» футболчилари маҳаллий «Нефтчи» командаси билан учрашиб, бир очко олдилар. Ҳисоб 2:2. Н. Нортожиев бу ўйинда рақиб дарвозасига тўп киритиб, ўз ҳисобидаги тўплар сонини 6 тага етказди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 МАЙ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Буратино кўргазмаси. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.50 — Фан ва техника. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 —Музикали киоск. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 14.55 — Мультфильмлар. 15.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 16.15 — Электрониканинг саргузашти. Бадиий фильм. 3-серия. 17.20 — Халқаро панорама. 18.05 — Ака-ука Риколар. Бадиий фильм. 1-2-сериялар. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — 1980 йил қўшиқлари. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Карнай овози. 10.40 — Мультфильм. 10.55 — Буратино саргузаштлари. Бадиий фильм. 2-серия. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Грузия театри ва киносининг рассомлари. 13.30 — Шахмат мактаби. 14.00 — Концерт. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Галия Измайлова ижроида жаҳон халқларининг рақслари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 —Фрунзе кўрсатувлари.

5 МАЙ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Электрониканинг саргузашти. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 11.15 — Симфоник ва эстрада куйлари оркестри чалади. 11.30 — Енгилмас ва афсонавий. Кўп серияли ҳужжатли фильм. 1-фильм. Фильм тугагач, янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Объектив. 16.40—Онамларнинг мактаби. 17.10 — С. Орлов поэзияси. 17.40 — Буюк жасорат. 18.00 — Концерт. 18.45 — Партиянинг жанговар ёрдамчиси. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Илғор тажриба — умумхалқ мулки. 20.00 — Концерт. 20.40 — Енгилмас ва афсонавий. Кўп серияли ҳужжатли фильм. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Балли, қизлар. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Болалар учун. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Матбуот ходимлари учун концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкорлари. 22.20 —Одерда баҳор. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55—«Правда»сиз бир кун ҳам мумкин эмас. 21.15 — Олий математика. 22.15 — Ғалабанинг 35 йиллигига.

РАДИО

4 МАЙ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Лирик қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 10.45 — Танбур оҳанглари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Йилқичилик муаммолари. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Мўл ва сифатли шоли етиштирайлик. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.35 — Чолғу куйлари. 18.15 — Ёшлик. 19.30 — Ёшлик қўшиқлари. 20.25 — Севги қўшиқлари. 21.00 — Табассум. 22.30 — Т. Тўла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

5 МАЙ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Партия минбари, халқ минбари. 9.30 — Концерт. 10.15 — Газетанинг тўрт саҳифаси. 12.10 — Ўзбекистан индустриальный. 13.00 — Жамоатчи мухбирлар ёзадилар. 13.30 — Матбуот ходимлари, Сизлар учун. 14.00— Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови. 18.15 — К. Маркс туғилган куннинг 162 йиллигига. 18.50 — Ёшлик. 20.25 — Матбуот ходимлари, Сизлар учун. 21.00 — Ҳаётимиз кўзгуси. 22.30 — Танбур-дуторим. 23.20 — Ўзбек халқ қўшиқлари.

Ўзбекистон ССР
Ҳунар-техника таълими давлат комитети
2-ТОШКЕНТ ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича), техника контроли бўлими контролёри, пойабзал бошлиғини тайёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, янги пойабзаллар тикиш бўйича пойабзалчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН БИР ЙИЛ, ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЭСА 2 ЙИЛ.
Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.
Бошқа шаҳарлилар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).
Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.
БИЛИМ ЮРТИ ҚОШИДА ВОКАЛ-ЧОЛҒУ, БИЧИШ ВА ТИКИШ, ТЎҚИШ, КИНО-ФОТО ТЎГАРАКЛАРИ ИШЛАЙДИ.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.
ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБА КУНИДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16 троллейбус, 84-автобуснинг «Домбробод» массиви бекати метронинг «Собир Раҳимов» станцияси. Телефон: 76-11-45.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
(700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй)
1980—1981 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
СИРТҚИ ЎҚИШГА
СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Пахтани дастлабки тозалаш; тикув буюмлари технологияси; тўқувчилик, кенг истеъмол моллари саноати экономикаси
НАМАНГАН УМУМТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ
(716027, Наманган шаҳри, 2 микрорайон, 142-уй)
Пахта ва химиявий толаларни йигириш, шу жумладан, ипак ишлаб чиқариш технологияси.
АНДИЖОН ЎҚУВ-КОНСУЛЬТАЦИЯ ПУНКТИ
(710000, Андижон шаҳри, Фрунзе кўчаси, 19-уй)
Трикотаж ишлаб чиқариш.
АРИЗАЛАР 31 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кириш имтиҳонлари — 10 сентябргача ўтказилади.

Театр
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4 V да Шошма, қуёш, 6 V да Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4 V да Тўйдан олдин томоша, 5 V да Кўнгли ёш қариялар.

Цирк
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштли аттракцион иштирокида КАТТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ (4 V да 12.00, 16.00, 19.30 да, 6 V да 19.30 да).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 12-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94 Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 07167. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64383. Б. — 103.